**Ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


O‘zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
23-oktyabr
chorshanba
№ 42 (1417)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi


ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН — БРИКС:

### барқарор ривожланиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика соҳасидаги қадамлар

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23-24 октябрь кунлари Россия раислигида Қозон шаҳрида бўлиб ўтадиган БРИКС саммити доирасидаги тадбирларда иштирок этади.**

Маълумки, ушбу тузилма 2006 йил июнь ойида Санкт-Петербург иқтисодий форуми доирасида Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой иқтисодиёт вазирлари иштирокида ташкил этилган. Ташкилотни тузиш Россия томони ташаббуси билан бошланган эди.

Россия, Бразилия, Хитой ташқи ишлар вазирлари ва Ҳиндистон мудофаа вазири иштирокидаги ўша пайтдаги БРИКнинг биринчи йиғилиши 2006 йил 20 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессияси доирасида бўлиб ўтган эди.

2010 йил 12 ноябрда Сеулда бўлиб ўтган G20 саммитида Жанубий Африка Республикаси БРИКга қўшилиш истагини билдирди. Жанубий Африканинг қўшилиши билан тузилма номи БРИКС сифатида қайта ташкил этилди.

2023 йил августда бўлиб ўтган саммитда Эрон, Саудия Арабистони, Миср, Аргентина, Эфиопия ва БАА БРИКСга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиш учун таклиф қилинган эди.




2024 йил январда ушбу давлатлардан тўрттаси – Миср, Эрон, БАА ва Эфиопия ташкилотга расман қўшилди.

Бирлашмага аъзо бўлган давлатлар нуфузли халқаро тузилмалар – БМТ, G20, Жаҳон савдо ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, G77 гуруҳи, шунингдек, қатор йирик минтақавий бирлашмаларнинг нуфузли иштирокчилари ҳисобланади.

БРИКС ҳамкорлари ўртасидаги муносабатлар БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари, шунингдек, тенглик, очиқлик, прагматизм, бирдамлик, қўшилмаслик ва учинчи томонларга бетарафлик тамойиллари асосида қурилган.

Бирлашма механизми, таъкидланганидек, тинчлик, хавфсизлик, тараққиёт ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. БРИКСнинг асосий мақсади иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ва технологик салоҳиятини сезиларли даражада мустаҳкамлаш йўлида самарали алоқалар учун шароит яратишдир.

БРИКС доирасида Ишбилармонлар кенгаши ва БРИКС Тараққиёт банки фаолият юритади. Иқтисодий йўлда тузилма мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик 2025 йилгача бўлган Иқтисодий шериклик стратегиясига асосланади. У аъзо мамлакатларнинг икки томонлама иқтисодий алоқаларини уларнинг кўп томонлама форматдаги ўзаро таъсири билан тўлдиришни, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, бирлашмалар ва форумларда, биринчи навбатда Жаҳон савдо ташкилотида мувофиқлаштиришни таъминлашни назарда тутади.

БРИКС мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар форматлари тизими олий даражадаги йиллик режалаштирилган учрашувларни ўз ичига олади. БРИКСга раислик тақвими йил давомида иштирокчи давлатлар томонидан ротация асосида амалга оширилади. Барча қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон учун БРИКС инклюзив ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш кун тартибини илгари суриш учун изланаётган платформа ҳисобланади.

2-б.

САНА



## АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЕЗАВОЛ ТИМСОЛИ

**Инсонда она битта бўлгани каби, она тили ҳам ягона. Ҳар ким қондош, қариндош, Ватан тушунчаларини илк бор она тилида англайди. Шунинг учун бўлса керак, тил, миллат, Ватан тушунчалари доимо ёнма-ён ифода этилади. У миллатнинг руҳи, қалби, таъбир жоиз бўлса, бутун борлиғи сифатида таърифланади.**

**Куни кеча пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбек тили байрами куни муносабати билан тантанали маърифий тадбир ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

*“Аввало, юксак тараққий этган демократик давлатларда бўлгани каби давлат тили бутун жамиятни, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиришга хизмат қилиши зарур. Бу борада ҳар қандай халқ учун ўта ҳассос ва таъсирчан бўлган тил масаласида ортиқча эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмасдан, узоқни ўйлаб, вазминлик билан иш тутиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Зеро, давлат тили фақатгина соҳа мутахассисларининг эмас, балки кўп миллатли бутун халқимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, ақл-заковати, маънавий-маърифий салоҳияти, ватанпарварлик фазилатлари билан равнақ топади”*, — дейилади Президент табригида.

2-б.

ШУНДАЙ ДЕДИ

**Сяотун ЧЖАН,**
**Хитой ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори:**

**– Ўзбекистон очиқлик ва сўз эркинлиги борасида тараққиётга эришгани борасида ўз қутловларимни билдираман.**

**Мен Ўзбекистоннинг бу борадаги эришган ютуқларидан ҳайратдаман. Ҳеч қайси ҳукумат учун жадал тараққиётга эришиш осон эмас. Чунки биз жуда кўплаб қийинчиликлар ва пандемия, давлатлараро ихтилофлар каби глобал муаммоларга дуч келмоқдамиз.**

**Ана шундай тобора мураккаблашиб бораётган глобал муаммолар даврида Ўзбекистон қандай қилиб шу даражада равнақ топаётганидан ҳайратдаман.**



ҚАДРИЯТ

## МИЛЛИЙ ЛИБОС — МИЛЛАТ ЮЗИ

**Заминга илдиз отган ҳар бир миллатнинг ўз Ватани, она тили, ўз миллий қадриятлари бор. Мана шу миллатларнинг миллий қадриятлари шаклланган маданий меросидан бири миллий либосидир. Қанча асрлар, давру замонлар ўзгармасин, уларнинг миллий либослари янги урфда сайқалланса-да, ўзлигини йўқотмайди.**

Кўп инсонлар Европа ва Ғарб давлатлари умумий кийиниш маданиятига ўтган, миллий либослари деярли унутилган, бу маданий мерос фақат Шарқда асралган, деб ўйлайди. Лекин ўша ривожланган мамлакатларда ҳам қадриятларига содиқ миллат вакиллари ўзлари учун муҳим бўлган кунларда, байрамларида миллий либосларини кийишади, аждодлар анъаналарига риоя қилишади. Австрия давлатининг Вена шаҳридаги машҳур ошхоналардан бирида бўлганимда, уларнинг асрлар давомида асраб келинаётган анъанасига дуч келдим.

2-б.



ХАЁЛОТ СЎҚМОҚЛАРИДА

## БУ БОҒ ИЧРА...

Нурлар оғушида яйраб кетди боғ,
Шивирлар япроқлар сабо-ла зимдан.
Дилрабо ҳавоси дилни этиб чоғ,
Борини аямас асло ҳеч кимдан...

Гуркираб ич-ичдан яшнаган маскан,
Тўрт фасл ўзини мардона тутиб.
Гоҳида шамолу тўфонлар эсган,
Уларни бўлурми ахир унутиб...

Қадимий тупроқда қадимий илдиз,
Вужуди чирмашиб кетгандир ерга.
Айрилмас бир умр кечаю кундуз,
Йилларни узатиб яшайди бирга...

Бу боққа кўз ташлаб шодландим беҳад,
Елкасин елкага тутиб турарди.
Бу жойда яшнамоқ руҳи бор фақат,
Эзгулик ел каби кезиб юрарди...

Воажаб, кузатдим ажиб ҳолатни,
Дов-дарахт ногаҳон бошлади мажлис.
Унутиб бир зумда вақту соатни,
Таклифу тортишув олди қизғин тус...

Энг аввало чинор айтди шундай гап:
“У жойга арзир, — деб, — серҳосил ўрик”.
“Қўйинглар, — деди у, — мендан келмас наф,
Мевалар бермасам бўлар нонкўрлик”.

Кимдир номин айтди олма дарахтин,
Деб уни беозор, ҳосили тўкин.
Ҳеч қачон бузмаган у берган аҳдин,
Ҳар доим кўтарган ўзининг юкин...

Кимдир гилос деди, ёнғоқни кимдир,
Анору шафтоли қолмади тилдан.
Барибир номзодлар сўз айтмай жимдир,
Неларни ўйлашар яна кўнгилдан...

Дарахтлар суҳбати кўп этди давом,
Ҳар бири эринмай айтди бир-бир сўз.
Кимгадир ёқмади, кимни айлаб ром,
Маҳлиё боқарди эринмайин Куз.

Кўпни кўрган чинор боқди эгилиб,
Ҳайрату ҳавасдан эди у қувноқ.
— Азизлар, — деди у, — қалбингиз билиб,
Мамнунман!
Ғамхўрсиз яшнамайди боғ!

Қайрағоч фикрига қўшилдим мен ҳам,
Бу қадим жой қолган мерос бизларга.
Қувончу шодликни кўрганмиз баҳам,
Ҳаммаси аёндир, дўстлар, сизларга.

Настарин, арчанинг сўзида жон бор,
Гулларнинг таклифи тоза ва хушрўй.
Не бўлса барини этдингиз изҳор,
Ниятлар покиза, бунчалар хушбўй.

Айтилган ҳар калом пурмаъно бирам,
Чидаган сабримиз очу тўқликка.
Гарчи бу бўлса-да ҳур боғи эрам,
Ҳеч ким устун эмас мулки борлиққа...

Бу сўзни қайсидир гул айтди секин,
У бир райҳонмиди ёки атиргул.
Ҳаммасидан гумон қилманглар тағин,
Сўзлаган гул эмас, балки у булбул...

Сездим, бойчечак ҳам қўшилди аста,
Деди у лаҳзада ўтади даврон.
Боғимиз ҳеч қачон бўлмас шикаста,
Бўлса ёнимизда бир дўст меҳрибон.

Шундай бўлсинки у — ҳаммадан доно,
Эзгу амаллари кўкни бўйлаган.
Бўлсин ишида-ю сўзида маъно,
Шунда қисмат бизни албат сийлагай.

Боққа меҳр берсин, шаън, шодон бўлсин,
Кечаю кундуз у турсин ёнма-ён.
Иссиғу совуқда биз томон бўлсин,
Мақсадга етказсин бўлиб соғ-омон.

Баҳсга нуқта қўйди митти бойчечак...
Унгурларда нафас ростлади шамол.



**Ўткир РАҲМАТ**

Тебранмасдан қотиб турарди терак,
Чинор ҳам бу ҳолдан қолган эди лол.

Ва бирдан сўзини бошлаб қолди у:
— Минг раҳмат барчага, фикрингиз тўғри.
Бўлсин десак агар бу гулшан мангу,
Ҳар бир дарахт бўлсин унинг қалб-кўри.

Эзгу ниятларни қилиб ҳимоя,
Ҳар бирига зафар тиласак бу он.
Ширин мева берсин ва ёки соя,
Ўз ишида бўлсин собит, фидожон.

Бу боғ ичра, билинг, ҳар бирин ахир
Адо этилажак ўз юмуши бор.
Мен беҳад шодланиб турибман ҳозир,
Яширмай борини этдингиз изҳор.

Тилга олдингиз-ку менинг номим ҳам,
Ташаккур, биламан, бу аъмол мушкул.
Осонмас бўлмоқлик ҳамнафас, ҳамдам,
Уддалай олмайман бу ишни буткул.

Бугун англадингиз теран бир ҳикмат,
Минг шукр, қалбингиз экан-ку уйғоқ.
Адашмайсиз энди бу йўлда фақат,
Ҳол сўраб келса у очганча қучоқ.

Бу юксак ишончни оқлагувчи ким,
Қалбдаги орзулар чўзармикан бўй?!
Тўлқинлар ичида қолди юрагим,
Жавобини топди мана ўша ўй:

Кўзи-ю сўзида ўчмаган оташ,
Яшнатиш ишқига бағишлаган жон.
Меҳрибону ҳалол, танти, меҳнаткаш,
Боғбон у, боғбон у, боғбон у, боғбон!

# ЎЗБЕКИСТОН — БРИКС:

## барқарор ривожланиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика соҳасидаги қадамлар

1-6.

2015 йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Россия томони раислигида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ ва БРИКСга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди. Йиғилишда ташкилотга аъзо 9 давлат раҳбарлари қатнашган.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил 24 июнь куни “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда иштирок этди. Хитой томони раислигида ўтган ушбу онлайн-форумда дунёнинг 18 мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди.

Россиянинг БРИКСга жорий раислиги доирасида Ўзбекистон Ёшлар саммити, БРИКС спорт ўйинлари, IX юридик форуми, X парламент форуми, турдош шаҳарлар ва муниципалитетлар форуми, шунингдек, БРИКС ва “БРИКС плюс” мамлакатларида хавфсизлик масалаларини назорат қилувчи юқори даражали шахслар учрашувида иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 24 июнь куни бўлиб ўтган “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда сўзлаган нутқида, “Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатларни енгиб ўтиш мақсадида савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирларини яратиш, саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш, технологиялар трансфери ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш, биотехнологиялар, вакциналар ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга”, дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қўшма лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриш мақсадида “БРИКС плюс” ишбилармон доиралари форумини йўлга қўйишни таклиф қилди.

“Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришиш учун кенг кўламли халқаро шерикликка, шу жумладан, “Жануб – Жануб” форматидаги ҳамкорликка очиқмиз ва бу йўлга содиқмиз”, деди Ўзбекистон етакчиси.

**“Дунё” АА**



# МИЛЛИЙ ЛИБОС — МИЛЛАТ ЮЗИ

1-6.

Яъни уч юз йилдан зиёд вақт мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, фаолият кўрсатиб келаётган бу ошхона қадим қадриятларга риоя қилар экан. Сайёҳларнинг қадами узилмайдиган емакхонада, аввало, барча ишчи-хизматчилар мижозларни фақат миллий либосларида қарши олишаркан. Қарангки, замонавий услубда қурилмаган камтаргина бу ошхонага ташриф буюрганлар рўйхатидан кўплаб давлат раҳбарлари ва машҳур инсонлар жой олганига гувоҳ бўлдим, суратлари билан танишдим. Хусусан, мамлакатимизнинг биринчи Президенти ҳам. Бунинг сири нимада? Албатта, бу гўшада немис миллатининг қадим қадриятлари асралишида, меҳмонларга қадим миллий таомлар ва ичимликларини тақдим этишида.

Асрлар ортига боқсангиз, инсонларнинг қайси миллатга мансублиги унинг кийим-бошидан билинган. Ҳозирда ҳам бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, Ҳиндистон, Покистон, Туркманистон каби бир қатор давлатларда бу қадриятга эътиқод қилинади. Бизда эса бу қадрият, асосан, баҳор байрами — Шарқона Янги йилимиз Наврўзда кўпроқ кўзга ташланади. Адрасу атлас кийган гўзал қизлар, оқ яктак устидан белбоғ боғлаган, бошида қалампир нусха дўппи йигитлар миллий либосларимизни, анъаналаримизни кўз-кўз қилишади.

Шунингдек, миллий либосларимизнинг дунёга бўй кўрсатишида моҳир дизайнерларимиз ва санъаткорларимизнинг ўрни катта. Дунё миқёсидаги турли танловларда иштирок этаётган ёшларимиз ҳам оламга замонавий миллий либосларимизда юзланаётганига гувоҳмиз. Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ва вилоятларимиздаги кўплаб миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналарда хизмат қилаётган йигит-қизлар хўрандаларни ўзлигимизга хос гўзал либосларда, қўллари кўксида қарши олишмоқда. Бу дунё мамлакатларидан юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларнинг миллий қадриятларимиз хусусидаги қарашларига, ўзбекона либосларимиз билан танишишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Инсон ҳамиша гўзалликка ошуфта, ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Буни ҳар жабҳада кузатиш мумкин, хусусан, либослар борасида ҳам. Шу сабаб модалар оламидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳар доим эл эътиборида туради. Бироқ қандай ҳолда бўлмасин, либослар беҳаёликка эмас, гўзалликка хизмат қилиши керак. Айниқса, қиз-жувонларимиз бунга эътиборли бўлишса, нур устига аъло нур бўларди. Замонавий кийинганга нима етсин, бироқ ҳаддан зиёд замонавийликка берилиб, ўта калта ва тор-танқис, очиқ-сочиқ либослар кийган ёшлар учрайдики, улар жамият аҳли томонидан танқид қилинса қилинадики, эътироф топмайди.

Миллий либос — миллат юзи, дейишади. Асрлар давомида авлоддан-авлодларга ўтиб келаётган миллий либосларимиз борки, кўрган одамнинг кўзи қамашади. Бироқ кейинги йилларда қиз-жувонларимиз орасида урфга айланган хориж либоси саналмиш ҳижобга қандай баҳо бериш мумкин? Баъзида қора либосга ўралиб, юзига қадар беркитиб олган ёшларни кўриб, беихтиёр кайфиятинг тушиб кетади. Энг ачинарли жиҳати, умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ёш қизалоқларнинг рўмолга бурканиб олганига нима дейсиз? Мактабда бўлганимда, уларнинг дарсдан бўш пайти дугоналари билан қувлашмачоқ ўйнаб, терлаб-пишиб юрганини кўриб дилим ранжиди. Қизалоқлардан бирининг онасидан сўрадим:

— Қизингиз эндигина биринчи синф ўқувчиси экан. Ҳижобга киришига ҳали жуда ёш-ку, нега рўмол ўратдингиз?

— Мен унга рўмол ўра демадим. Синфидаги кўпчилик ўртоқлари рўмол ўрашибди. Ёлғиз ўзи ажралиб қолгани учун шуни истади...

Таассуфлар бўлсинки, айни билим пойдеворини ўзлаштираётган етти-саккиз ёшли қизалоқларга бу ёшда ҳеч бир динда ўралиш буюрилмаган бўлса керак. Мактаблар маъмурияти бу борада ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориши зарур. Бу келажак авлоднинг истиқболи билан боғлиқ кечиктириб бўлмас долзарб масаладир. Қизчаларини кўр-кўрона ҳижобга киргизган ота-оналар эса бу либос ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасликларини билиш янада ачинарли. Билишимча, араб давлатларининг аёллари уйларидан ташқарига чиқаётганда чодра ёпиниб олишади. Ҳижоб эса уларнинг хизматкорларига тегишли кийим экан.

Бошида ҳамиша ҳарир рўмол бўлган, ҳаё ва андишада беназир миллатпарвар шоира ва гўзал нотиқ Турсуной Содиқованинг бу борадаги фикри билан танишамиз. Яъни опа билан суҳбат қилган журналист ўртасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтган:

— Ҳозир кўча-кўйда, транспортда бошдан-оёқ ҳижобга ўралган қизларга дуч келамиз. Кимдир уларга ҳавас билан, яна кимдир ғашлик билан, яна биров ачиниш билан қараяпти. Ҳаққа ишонган, дилини поклаган бу қизларни табриклаш керакдир, балки. Бироқ ҳали бутун келажаги олдинда турган, илм олиши, элига, юртига хизмат қилиши керак бўлган бу қизлар бироз шошилишмадимикин? Қолаверса, Турон заминининг исломий иймони бутун аёлларига ҳижоб хос эмас эди-ку...

— Ўзим исломий тарбия тарафдориман. Иймон, ҳалоллик, шукрона, ҳаммага ва ҳар доим яхшилик қилиш... Бу фазилатлардай олийлик борми? Кишининг феъли ҳижобли бўлсин. Ҳамманинг кийиниш тарзида шундай русум бўлса, бошқа гап эди. Ҳижобга ўраниб олиш мана бундоқ илм ўрганяпман деб, писанда қилишдай бўлиб қолмасин. Одамларнинг эътиборини тортиш ҳам исломга зид, қолаверса, ҳижоб кийганга қараган ҳам, қарамаган ҳам қарайди, қиз боланинг ўзига ҳам ўнғайсизлик туғилади.

Ундан кўра, ўзимизнинг гўзал миллий кийимларимизга йўл очайлик: енглари ва бўйлари тўкис кўйлаклар, нафис рўмоллар, дўппилар, зебигардонлар...

Ҳаммага ўхшайверсам, гоҳ ўрисга, гоҳ инглизга, гоҳ японга тақлид қилаверсам, отим бетайин бўлмайдими, синглим? Менинг биринчи қарзим ва фарзим — зотимга, авлодимга, миллатимга ўхшаб туришимдир!

Улуғ устоз бу борада нақадар ҳақ. Либослар миллат маънавиятининг кўзгусидир. Миллатимизнинг биргина қалампирнусха дўпписи-ю атлас матоси дунёнинг қайси бурчида бўлмасин, унинг ўзбек эканлигини англатиб туради. Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг аждодларидан мерос бўлиб келган ўзига хос кийиниш санъати, урфи ва услуби бор. Аммо давр ва замонлар бир жойда турмагани, эврилишларга юз тутгани каби, либосларнинг урфлари ҳам ўзгариб туради. Бу бугунги кун билан, замон талаби билан узвий боғлиқ, шубҳасиз. Шундай экан, ўзбекона миллий либосларимизни замонга мослаб кийганимизга нима етсин!

Бу борада миллатнинг яна бир дилбар ва доно қизи, олима Жамила Шермуҳаммедованинг миллий либосларимизга садоқати борасида тўхталишни истардим. Фалсафа фанлар доктори, профессор Жамила Тошпўлатовнани тадбирлар ва учрашувларда ҳамиша атлас ва адрас либосларда кўрганман. Ҳеч бўлмаганда замонавий кийимларининг қайси бир жойида, ёқаси ёки енгида, ёхуд бўйинларида адрас шарф бўлади. Дунёнинг ўттиздан зиёд давлатида бўлган улуғ олима ўз ўрнида миллий либосларимизни ҳам жаҳонга кўз-кўз қилиб келаётган ватанпарвар фидойилардан.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби, дизайнер ва чеварларимиз миллий либосларнинг янгидан-янги урфларини яратиш устида тинмай изланишлар олиб бормоқда ва бу борадаги янги лойиҳаларини — тайёр либосларини элимизга, жаҳонга намойиш этишмоқда. Танловларда юқори эътирофларга сазовор бўлишмоқда. Бу таҳсинга сазовор, албатта. Аммо ўйлайманки, уларнинг олдида турган асосий вазифа ўзлигимизга хос атлас, адрас, беқасам каби матолардан ўқувчилар, талабалар ва ишчи-хизматчилар учун замонавий либослар яратиш. Балки шундагина миллий либосларимиз кўргазмалар ва байрамлардагина кийиладиган мавсумий кийим-бош эмас, миллатимизнинг юзи — фахри бўлиб қолади.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЕЗАВОЛ ТИМСОЛИ

1-6.

Дарҳақиқат, минг йиллик тарихимизга назар ташласак, жаннатмонанд юртимизни қайта-қайта босиб олган ёвуз кучлар халқимизни миллат сифатида йўқ қилиб юбориш мақсадида ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, динимиздан жудо қилишга уринган. Лекин имони бутун, матонатли халқимиз энг оғир, машаққатли даврларда ҳам ўз она тилини — миллий ғурурини омон сақлаб қола олган.

Тантанали тадбирда эътироф этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда она тилимизни асраб-авайлаш, унинг нуфузини тобора юксалтириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази каби тузилмалар ташкил этилди.

Умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртларида ўзбек тилини ўқитишга бўлган эътибор кучайди. Тилимиз тарғиботи, саводхонликка оид махсус электрон платформалар тайёрланиб, ишга туширилмоқда.

Айтиш керакки, ўзбек тили эндиликда БМТдек нуфузли ташкилотларнинг минбарларида, йирик сиёсий учрашувларда баралла янграмоқда. Айни пайтда бир қатор хорижий давлатларда ўзбек тилини ўрганишга доир маърифий марказлар фаолият олиб бормоқда.

**Нодир ХОЛБЎТАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари:**

— Бу кун наинки мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам табаррук кун сифатида нишонланмоқда. Байрам тадбирлари эрта тонгдан Навоийнинг ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошлангани бежиз эмас. Негаки, биз Алишер Навоийнинг нурли шахсиятига, ижоди, фаолиятига ҳар қанча эҳтиром кўрсатсак оз. Ўзбек тили байрами бир кунлик тадбир эмас. Она тилимизнинг борлиги, мудом барқарорлиги биз учун катта байрамдир.

**Иномжон АЗИМОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази директори:**

— Марказимиз фаолият бошлаганига тўрт йил бўлди. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича хорижлик ва юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларидан кўплаб таклифлар келиб тушмоқда. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича курсларни муваффақиятли тугатган кўплаб тингловчиларга сертификатлар топширдик. Айни пайтда ўнта гуруҳда ўзбек тили ўқитилмоқда. Шу билан бирга, марказда алоҳида мактаб ҳам фаолият кўрсатмоқда.

**Им Чён Мён,**
**кореялик магистрант:**

— Мен Ўзбекистондаги олий ўқув юртининг магистратура босқичида ўқиш учун келганман. Ўзбекистонни, ўзбек тилини жуда яхши кўраман. “КОICA” ташкилоти орқали Ўзбекистонга келганимда, бу юрт мени ўзига ром этди. Одамлари жуда меҳрибон, ҳамиша ёрдам беришга тайёр, жуда меҳмондўст экан. Ўзбек тили юракдан севадиган тилимга айланди. Дунёдаги барча хорижликларни ўзбек тилини севишга ва уни ҳурмат қилишга чақираман.

**Нацуми ШИДА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти тадқиқотчиси:**

— Япониянинг Осака шаҳридан диссертация ишимга маълумот тўплаш учун келганман. Бир йилдан буён Бойсун гиламчилик санъатини ўрганиб келяпман. Менга Ўзбекистон ва унинг одамлари жуда ёқди. Мен бу ерда ўзбек тилини ҳам ўрганяпман. Диссертациям учун бу муҳим. Ҳозирча ўзбек тилида бироз сўзлашишни ўрганиб олдим. Ўзбек тили жуда чиройли ва жозибадор тил. Ҳозир ҳам ўзбек тилида сўзлашиш мен учун жуда қизиқарли. Битта сўзнинг кўплаб синонимлари мавжудлиги, кайфият, ҳолатга қараб турли сўзларни қўллаш имконияти менга жуда ёқади. Тўғри, ўзбек тили хитой тилига ўхшамайди, аммо кучли истак ва қунт бўлса, бу тилни яхши ўрганиш мумкин экан.

*Байрам дастурида мамлакатимизда истиқомат қилаётган хорижлик ҳамда турли миллат ва элат вакилларидан иборат талабалар ўзбек шоирлари шеърларидан намуналар ўқиди. Уларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиши, эътибори, она тилимизга бўлган чин ҳурмати ва муҳаббати самимий эътирофида ғоят жўшқин ва завқли тарзда янгради.*

*Юртимизда ўзбек тилини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, 14 та тилни мукаммал билган Саидризо Ализода ҳақидаги видеороликлар, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азминнинг “Кундузсиз кечалар” асари асосидаги спектаклдан лавҳа, Огаҳий, Мирзо Бобур образида тараннум этилган шеърлар байрам дастурида иштирок этган ҳар бир юртдошимизда катта қизиқиш уйғотди ҳамда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури байрам кечасига ўзгача файз бағишлади.*

**Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли,**
**“Hurriyat” мухбири.**

**ИНСОН ҚАДРИ**

# КЎНГИЛЛАР ОБОД БЎЛСА...

## *юртимизда камбағалликка қарши курашиш умуммиллий ҳаракатга айланмоқда*

**Иймон-эътиқодли, зукко-зиёли, фозил-фузалолар қай маконда кўп бўлса, шу жойнинг мавқеи ҳам бошқача бўлади. Қўқон — ана шундай мўътабар шаҳар. Қўқонликларнинг тавозеси ҳам, диди баландлиги ҳам ўзларига ярашади. Энг муҳими, бу гўша аҳли ота-оналарини, ёши улуғ кексаларни эъзозлаш бобида ҳам анча илгарилаб кетган. Шу боисдан бўлса керак, қўқонликлар нуроний-ларнинг маслаҳатларини ҳикмат деб қабул қилишади.**




Қайси ишнинг бошида ўқимишли, ҳаётий тажрибаси катта, ёши улуғ кексалар турса — бу иш баракотли бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда бўлгани каби Қўқон шаҳрида ҳам камбағалликни камайтириш борасида олиб борилаётган ишлар самара бермоқда. Маълумки, яқинда Президентимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ғояси илгари сурилди. Бу ғоя замирида беқиёс инфоқ-эҳсон, саховат қилишдек савобли вазифалар турибди.

Аслида, Қўқонда ўзига тўқ оилалар кўп. Шундай бўлса-да, ҳамшаҳарларимиз орасида камбағаллик ёқасига келиб қолган оилалар бор. Республика “Нуроний” жамғармаси Қўқон шаҳар бўлими фаоллари томонидан камбағалликка қарши курашиш режали равишда олиб борилмоқда. Жорий йилнинг шу давригача биргина жамғарма шаҳар бўлими фаоллари саъй-ҳаракати туфайли 140 та оила камбағаллик муаммосидан қутулди. Бир оилада, аслида, уч-тўрт ва ундан ортиқ аъзо бор. Бу оила тақдиридаги ижобий ўзгариш, демак, юзлаб кишиларнинг иқтисодий имкониятлари яхшиланганидан далолатдир. Рўзғори бут экан, хонадон аҳли хотиржам бўлади, болалари бахтиёр ўйнаб кулади. Қорни тўқ, усти бут болаларнинг кўзларидаги қувончга бир нигоҳ ташланг-а!

Камбағалликка қарши курашишнинг яна бир катта ижтимоий аҳамияти бор. Бизга мурожаат қилаётган оилаларнинг айримлари ажрашиш сабабини йўқчилик ва шу туфайли оиладаги жанжаллар деб рўкач қилишмоқда. “Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак” деганларидек, оиланинг хотиржамлиги учун моддий ва маънавий замин керак. Ҳозирги ёшлар аввалгиларига кўп ҳам ўхшамайди: йўқчиликка сабри сустроқ. Оила рўзғорида етишмовчилик сабаби билан ажрашишни ихтиёр қилаётганларга жамғармамиз томонидан тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда шошилинч равишда иқтисодий кўмак беряпмиз. Ишга яроқли аъзоларини яхши даромадли иш жойи билан таъминлаяпмиз.

Ишончим комилки, Президентимизнинг бу саъй-ҳаракати шарофати билан оилаларда соғлом муҳит шаклланмоқда, келажагимиз умидлари бўлган ёш авлод зориқмай вояга етишлари учун мустаҳкам пойдевор яратилмоқда. Одамлар камбағалликка қарши курашишдек инсонпарварлик сиёсати бошида турган Юртбошимиз ҳаққига дуолар қилишмоқда.

“Оқсоқоллар ва ота-оналар кенгаши”, “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Бувижонлар мактаби” фаоллари ва “Маҳалла еттилиги” томонидан уйма-уй юришиб, тарбияси оғир ёшларни тўғри йўлга солишга, адашган, мураккаб вазиятга тушиб қолганларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу ишлар самарали натижа бермоқда. Жорий йил бошидан шу кунгача 122 та оила яраштириб қўйилди. Бу эса юзлаб болаларнинг тирик етим бўлиб, ё ота, ё она дийдоридан маҳрум ҳолда ҳаёт кечиришининг олди олинди, деганидир.

Айниқса, нуроний отахонлар ва мунис онахонлар мактабларда бўлиб, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишаётганлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишлари, келажакдаги орзуларининг рўёбга чиқиши, касб-ҳунарли бўлишининг аҳамияти ва энг муҳими, мустақил ҳаётга мустақил фикрлайдиган даражада қадам қўйишларида биз нуронийларнинг улар билан қилаётган ҳар бир мулоқотимиз, албатта, ижобий натижаларни бериши тажрибамизда ўз тасдиғини топди. Бу хайрли ишлардан нуронийларимизнинг ўзлари ҳам завқ олишмоқда, улар жамғармамиз атрофида жипслашмоқда, кўнгиллари ёшариб, ҳаётга муҳаббати ошмоқда. Зеро, буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз ёзганидек:

***Кимки бир кўнгли бузуғнинг***
***хотирин шод айлагай,***
***Онча борким, Каъба вайрон бўлса,***
***обод айлагай.***

**Манзуржон АБДУЛЛАЕВ,**
**“Нуроний” жамғармаси Қўқон шаҳар бўлими раиси.**

ЭЛ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

# КАЛОМИДА ҲИКМАТ, ҲАЁТИДА ИБРАТ



## ёки Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси Икромхон НАЖМИДДИНОВ фаолияти ҳақида сўз

**Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги. Қамчиқ довонининг кенг ва равон йўлларида олтинлашиб бораётган олтин куз манзараларига қараб кўз тўймайди. Кайфият чоғ бўлса, узоқ йўл ҳам яқин бўлар экан.**

**Вилоят Халқ қабулхонаси Наманган шаҳрига кираверишда жойлашган. Одамларнинг нажот излаб борадиган манзилларидан бирига айланиб қолган бу идорага ўттиз йиллик қадрдоним Баҳодир Юсупов раҳбарлик қилади. Менга у “Чинор шохидаги синчалак” дея лутф билан қучоғини очди. “Чинор шохидаги синчалак” — бу дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан, илм-маърифат излаб, фозилларга хос ҳаёт кечириб, ўзидан гўзал хотиралар қолдириб кетган, бутун ҳаётини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган наманганлик олим Носиржон Отахонов ҳақидаги китобимнинг номи. Баҳодир Юсупов ҳам Носир Отахоновнинг садоқатли шогирдларидан бири. У кўп китоб ўқийдиган, газета ва журналлар билан мунтазам танишиб тафаккур қиладиган, афсуски, бугунги даврда камайиб бораётган раҳбарлар сирасига киради.**

У билан узоқ-яқин ўтмишдаги воқеаларни, қадрдон дўстларни эсладик. Икромхон ака Нажмиддинов ҳузурига боришим кераклигини айтдим. Баҳодир Юсупов Икромхон ака билан телефонда гаплашиб, менинг келганим хабарини берди. Учрашув вақти келишиб олинди.

Наманган бежизга гуллар шаҳри дейилмайди. Бу шаҳарга қадам қўйишингиз билан, ўзингизни гуллар оламига кириб қолгандай сезасиз. Наманган шаҳри марказидаги халқаро гуллар фестивали ўтадиган Бобур номли истироҳат боғидаги манзара шунчалар мафтункорки, бу гўзаллик қаршисида қалбингиз завққа тўлади. Шу боғ ёнида “Нуроний” жамғармасининг Наманган вилояти бўлими жойлашган.

Ёш улғайгач, ёши улуғ, сўзларида ҳикмат, ҳаётида ибрат бор кексалар билан суҳбатлашишга интилар экансан, киши.

Мамлакатимизда таниқли давлат ва жамоат арбоби, иқтидори ва салоҳиятини юртимиз, хусусан, Наманган вилояти тараққиётига бахшида этаётган, барчамиз интилаётган келажакни, оила, фарзандлар бахту саодатини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва бошқа жабҳаларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг адолатли ва халқпарвар сиёсати ғояларига содиқлик билан, камарбаста бўлиб фаолият олиб бораётган Икромхон Нажмиддинов ҳузуридаман.

Икромхон ака билан мени унинг устози Носир Отахонов таништирган эди. Ўшанда у Тўрақўрғон тумани ҳокими бўлиб ишларди. Икромхон Нажмиддинов тумандаги қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар билан батафсил таништирган эди. “Қишлоқ ҳаёти” газетасида каттагина таҳлилий мақола ёзгандим. Шундан буён Икромхон ака қандай юқори лавозимларда ишласа-да, ижодий ҳамкорлигимиз давом этиб келмоқда. Матбуотга, айниқса, газеталарга ва уларнинг ижодкорларига муносабати ўзгармади. Шу сабаб бўлса керак, қачон Наманганга борсам, аввало, Икромхон ҳожи аканинг дуосини оламан. Газетага бирор мақола ёзмоқчи бўлган қаҳрамонларим ҳақида сўрайман. У кишининг холисона фикрлари мен учун доимо қимматли бўлган.

Бундан бир неча йил аввал Икромхон аканинг тавсияси билан янгиқўрғонлик Тожимирза Абдуллаев ҳақидаги “Қишлоқ ҳаёти” газетасида босилган “Сув келтирган зар келтиргандан азиз” сарлавҳали хотира очерким катта эътиборга сабаб бўлганди. Тожимирза Абдуллаевнинг шогирдлари ва уни билган юзлаб одамларнинг олқишини олгандим. Мана, ҳалиҳануз ижодий ҳамкорлигимиз давом этиб келмоқда.

У ёши табаррук етмиш бешга қараб бораётган бўлса-да, муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва адолатли сиёсати рўёби учун фидойилик кўрсатиб, ўзгалар деб ўзини унутадиган, ғайрати навқирон, олийжаноб инсон. Ана шундай камтарин ва самимий нуронийлар билан ҳамсуҳбат бўлишнинг ўзи бир бир бахт.

— Ҳозиргина параатлетика бўйича “Париж-2024” паралимпия ўйинларида олтин ва бронза медалларини олган Нурхон Қурбонова иштирокидаги “Уч авлод учрашуви”дан келдим, — деди Икромхон Нажмиддинов. — Вилоятимиздаги бундай оилалар ёшлар учун ибрат мактаби бўлмоқда. Учрашув Мингбулоқ тумани “Маданият” маҳалласидаги чемпион қизимиз Нурхон Қурбонованинг бобоси яшайдиган Мирзакарим ота Каримов хонадонида бўлди. Нуронийлар, вилоят маънавият ва маърифат маркази вакиллари, маҳалла фаоллари ва шу ҳудуддаги мактаб ўқувчилари иштирок этган мазкур тадбир, айниқса, ёшларимиз учун таъсирли бўлди. Президентимиз томонидан совға қилинган автомобилдан тушиб келган Нурхон Қурбоновани ўқувчилар қучоқ-қучоқ гулдасталар билан кутиб олишди. Матонат ва жасорат кўрсатган Нурхон нафақат Наманганимиз, балки Ўзбекистонимиз фахрига айланди. Унинг ютуқлари ёшлар қалбида, мен ҳам олимпиадаларда қатнашиб, медаллар оламан, деган умид учқунларини ёқди.

Шу кунларда Паралимпия ўйинларида пара-енгил атлетиканинг диск улоқтириш тури бўйича олтин ва ядро улоқтириш тури бўйича бронза медалларини қўлга киритган Толиббой Йўлдошев, парадзюдо тури бўйича кумуш медаль соҳибаси Кумуш Ходжаевалар билан ҳам “Уч авлод учрашуви”га тайёргарлик кўрилмоқда.

— Кимки кексаларнинг ҳаёт мактабидан таълим олса, ҳеч қачон кам бўлмайди, — дея Икромхон ака сўзини давом эттирди. — Бугунги кунда вилоятимиздаги етти юз саксон саккизта маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида ўн беш нафардан “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳларда 11 минг 820 нафар ҳаётий бой тажрибага эга бўлган нуроний отахонлар ва онахонлар савобли ишларга бош-қош бўлишмоқда. Наманган тажрибаси сифатида ушбу гуруҳларни бештадан кичик гуруҳга бўлдик. Эндиликда ҳар бири уч нафар нуронийдан иборат ёшлар билан ишлаш, оилани мустаҳкамлаш ва ажримларнинг олдини олиш, тадбиркорликни ривожлантириш, томорқадан самарали фойдаланиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, маҳаллада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш гуруҳлари самарали иш олиб бормоқда.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили бўйича уйма-уй юриб, вилоятимизда 22 минг 210 нафар муаммоли ёшлар борлиги аниқланди. Улар билан икки минг икки юз нафар тажрибали нуроний тарбиявий ишлар олиб боришди, бундай ёшларга ижтимоий ва моддий ёрдам берилди. Муаммоли ёшларнинг 13 минг 300 нафари тўғри йўлга кирди. Энди бир фикр қилсак, бу ҳаракат туфайли минглаб оилаларга ташвиш ўрнига хотиржамлик кирди. Қанча ёшлар жиноят ёқасидан қутқариб қолинди. Олти мингга яқин шундай ёшлар ишга жойлаштирилди. Халқимизда “Бекорчидан худо безор” деган мақол бор. 2 минг 840 нафар тарбияси оғир ёшлар касб-ҳунар ўргатишга йўналтирилди. Бундай хайрли ишларга ниятлари улуғ, қадамлари қутлуғ бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Халчахон Мирзаева, Ойшахон Қўчқоровалар ҳам муносиб ҳиссаларини қўшаётгани учун сиз вакил бўлган “Hurriyat” газетаси орқали ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

“Меҳри йўқ киши меҳр тополмас” деган гап бор. Вилоятимизда икки юз олтмиш мингга яқин ёшга доир пенсия олувчилар мавжуд. Уларнинг 33 нафари 100 ёшдан ошган табаррук инсонлардир. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан эса бор-йўғи тўрт нафар оқсоқол қолган бўлса, 376 нафар фронт орти меҳнат фахрийларидир. Улардан ёшларимиз шукроналик туйғуларини ўрганишмоқда. Йўқчиликни кўрганлар тўқчиликнинг қадрига кўпроқ етади. Шундай мўйсафид отахонлар ва муниса онахонлардан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги очарчилик, қаҳатчилик ва қашшоқлик пайтларида одамлар қанчалик азоб-уқубатлар билан кун кечиришганлари ҳақидаги ҳаётий ҳикояларни эшитган ёшларимиз ҳайратланишмоқда. Бугунги тинчлик, осойишталик, фаровонлик, энг муҳими, тўкинчилик қадрини ҳис қилишмоқда.

Маълумотларга кўра, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев камбағалликни қисқартириш бўйича муросасиз курашни бошлаган пайтда 7,5 миллион ёки жами аҳолининг 23 фоизи камбағаллик даражасида деб қайд этилган эди. Самарали ва адолатли ижтимоий сиёсат ҳамда манзилли ва аниқ чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2024 йил бошига келиб камбағаллик даражаси 11 фоизга тушишига эришилди. Янги Ўзбекистоннинг бош шиори “Инсон қадри учун!” деб белгиланди. Бу эзгу амал аҳоли ҳаётини эркин ва фаровон қилишдек, одамларни шу азиз юрт равнақи йўлида сафарбар этишдек савобли иш йўлида бирлаштирди. Бугунга келиб Президентимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари фаоллари ва республика нуронийларининг Ўзбекистон халқига мурожаати ҳам айнан камбағалликка қарши курашишда барчамиз бирлашиб, юртимизни обод ва янада фаровон мамлакатга айлантириш йўлидаги хайрли чақириқ бўлди, — деди Икромхон ака. — “Кимнинг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч бўлса, у киши (чин) мўмин эмасдир” дейилади ҳадиси шарифларда. Бу ҳикмат нафақат исломий, балки бутун инсоният учун ҳам ибратли бўлган каломдир. Аслида, ҳар бир инсон ўз ҳамюртининг биродари ва дўсти, туғишган опаси ва акасидек яқин эканини англаш керак. Демак, бу муаммони бартараф этиш барчамизнинг бурчимиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган камбағалликка қарши курашиш сиёсати дунё ҳамжамиятини ҳам ташвишга солиб турган камбағаллик муаммосини бартараф этишда муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Суҳбатимиз якунланай деб турган бир паллада Икромхон аканинг қўл телефони жиринглаб қолди. Сайловчилар билан учрашув вақти яқинлашганини айтишди...

“Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими мутахассиси Шермуҳаммад Тўраевнинг маълум қилишича, Икромхон Нажмиддинов Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида қонунлар қабул қилиш жараёнларида ҳам, сиёсат жабҳасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг номзоди вилоят кенгаши депутатлигига қўйилган бўлиб, ҳозир сайловолди учрашувлари ҳам якуний паллага кирди.

Оммавий ахборот воситаларига хайрихоҳ ва журналистларнинг садоқатли ҳамкори, адабиётчилар орасида ҳам катта обрў-эътиборга эга Икромхон Нажмиддиновнинг хайрли ва эзгулик амалларига Яратганнинг ўзи барака берсин!

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

ОҒРИҚ

# ЗЎРАВОНЛИК ЧЕГАРА ТАНЛАМАЙДИ



**...Ҳақ гап. Зўравонлик чегара, миллат, вақт ва ёш танламайди. Кўп йиллар давомида Ўзбекистонда маиший зўравонлик муаммоси мавжуд бўлмагандек қабул қилинган, чунки кўпчилик учун хотинини бир шапалоқ уриш ёки уни таҳқирлаш оддий ҳолатга айланган. Бу ҳақда биринчи марта 2018 ва 2019 йилларда Президент аёлларни ҳимоя қилиш ва оилавий зўравонликнинг олдини олиш бўйича иккита ҳужжатни имзолаганидан кейин гапира бошланди.**

ЖССТ маълумотига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказиб келинади. Турмуш қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қилади. Хотин-қизлар ва болаларни тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш, оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш бугун давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида. Давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 11 апрелда имзоланган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Марказий Осиёдаги зўравонлик муаммосини ўрганувчи “HeForShe” ҳаракати маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда қизлар ва аёллардан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зўравонлик ва босимга учраганига оид 39 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Шу билан бирга, ушбу ҳолатларнинг 87 фоизи оилада содир бўлган. Ҳақиқий рақамлар янада қўрқинчли бўлиши мумкин, чунки кўплаб қурбонлар бу ҳақда ҳатто энг яқинларига ҳам айтмайдилар, чунки жамиятимизда барча айб қурбонларнинг ўзига тўнкалиши одатий ҳолдир.

Ўтган ҳафта АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар дастури ташаббуси билан бир гуруҳ ОАВ вакиллари Жиззахдаги “Истиқлол авлоди”, Самарқанддаги “Раҳмдиллик” ва Бухородаги “Ойдин нур” нодавлат-нотижорат ташкилотлари (аниқ яшаш жойига эга бўлмаган, зўравонлик ва тазйиқларга учраган ёки қурбон бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш марказлари-шелтерлар)га медиа тур ташкил этилди. Айнан зўравонлик қурбони бўлган аёллар, қизлар, болалар, оилалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг оғир дардини тингладик. Бу осон эмас. Киноларда, ижтимоий тармоқларда кўриш, эшитиш бошқа ва айни пайтда қаршингизда зўравонликнинг жонли қурбони билан гаплашиб туриш умуман бошқа.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, кундалик ҳаётда оила аъзолари (эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа ва келин, ака-ука, опа-сингиллар) ўртасидаги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятларни 100 фоиз деб оладиган бўлсак, ундан оилада бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши 34,8 фоиз, шахсга зўрлик билан руҳий таъсир кўрсатиш 30,8 фоиз, оилада ўз ҳукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар 7,8 фоиз, жинсий зўравонлик қилиш 4,7 фоиз, қийнаш орқали руҳий азоб бериш 8,3 фоиз, қўрқитиш ва зулм қилиш 3,7 фоизни ташкил этади. “Нима учун оиладаги зўравонлик жабрланувчилари бу ҳақда ички ишлар органларига хабар беришмайди?” деган савол билан мурожаат қилинганда, зўравонлик қурбонларининг 63,1 фоизи ўз оиласининг обрўсини сақлаш мақсадида ҳуқуқлари поймол бўлишига жим қараб туришганини айтишган.

Афсуски, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жабрини, асосан, аёллар кўради. Бу кўплаб аёлларнинг ҳуқуқлари топталишига, турмуш тарзидан қониқмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боришига, вояга етмаган фарзандларнинг она меҳридан эрта мосуво бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қанча давлатинг, обрў-мансабинг юқори бўлмасин, оилангда тотувлик бўлмаса, еган луқманг ҳам, бир бурда нонинг ҳам татимайди. Энди униб-ўсиб, балоғат ёшига етаётган фарзанд кун ора оилавий низоларга гувоҳ бўлаверса, нотинч муҳитда вояга етса, ўқиб-ўрганиб ўз келажаги ҳақида қайғуриш каби асосий мақсадидан ҳам чалғиб қолиши ҳеч гап эмас.

Яна бир масала бор. Афсуски, сўнгги йилларда болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликлар сони ҳам ошиб бормоқда. Ҳар йили камида бир миллиард бола у ёки бу зўравонликка дуч келади. Бу дунё болаларининг қарийб ярми демакдир. Дунёдаги 2 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларнинг тўртдан уч қисми — тахминан 300 миллион нафари уйда ўз қаровчилари томонидан руҳий тазйиқ ёки жисмоний жазони бошдан кечиради.

Мавжуд маълумотларга кўра, 30 та мамлакатда бир ёшли болаларнинг тахминан 10 тадан 6 таси мунтазам равишда зўравонликка асосланган тарбия асосида вояга етмоқда. Дунё бўйлаб ҳар етти дақиқада бир ўсмир зўравонлик оқибатида вафот этади. Қайд этилишича, ногирон болалар соғлом болаларга қараганда зўравонликни бошдан кечириш эҳтимоли деярли тўрт баробар юқори. Мактаб ёшидаги болаларнинг ярми — 732 миллион нафари мактабда жисмоний жазо тўлиқ тақиқланмаган мамлакатларда яшайди.

Мамлакатимизда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини, қадр-қимматини муҳофаза қилиш, унинг камситилишига йўл қўймаслик, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда. Бугун болалар мажбурий меҳнатига бутунлай чек қўйилди, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик кучайтирилди. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди.

Шунингдек, мактабгача таълим билан қамров даражаси оширилиб, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Иқтидорли болалар ўзларини намоён қила олишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратилди. Президент мактаблари, махсус иқтидорли болалар мактаблари, ижод мактаблари ва “Темурбеклар мактаби” ташкил этилгани ҳам шулар жумласидан.

Мавжуд қонунчиликда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг иштироки ва уларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Жумладан, ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши ҳамда зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиши шартлиги, болаларни тарбиялашда уларни жисмоний жазолаш тақиқланиши назарда тутилган. Шу билан бирга, қонунда болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, зўравонликка учраган болаларга ҳимоя ордери бериш ва бепул ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш лозимлиги қайд этилган.

Соҳа вакилларининг таъкидлашича, зўравонлик туфайли жабрланган шахс ариза билан тегишли ваколатли органларга ёки судга мурожаат этиши, махсус марказларда, шунингдек, телефон линияси орқали бепул ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиши мумкин.

Тартибга кўра, зўравонликдан жабрланган болаларга ҳимоя ордери ички ишлар органлари томонидан ўттиз кун муддатгача берилиши ва ваколатли давлат органи иштирокида жабрланувчига топширилиши айтилган. Агар таҳдид ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакили аризасига кўра, жиноят ишлари бўйича суд томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин.

...Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашишни оиладан бошласаккина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, коррупция каби иллатларга қарши курашиш қанчалик кенг кўлам касб этмасин, натижа мақтанарли эмас. Аслида, ҳар бир инсон оилада уларга қарши иммунитет билан тарбия топса — олам гулистон, муаммо ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур? Ишни нимадан бошлаган маъқул? Зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мумкинми? Албатта! Унга қарши курашишда ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Ва шундай бўлиши ҳам керак. Одамларнинг зўравонликка муносабатини ўзгартириш, жазосиз қолишга чек қўйиш, ижобий тарбия меъёрлари ва амалиётини тарғиб қилиш, жабрланганларга малакали ёрдам кўрсатиш тизимини узлуксиз йўлга қўйиш энг муҳим омил сифатида кўрилиши керак.

Шу ўринда яна бир таклиф: фаровон оилани бунёд этишда Канада тажрибаси кенг эътироф этилади. Нима учун? Чунки Канада давлатида оиладаги ҳуқуқий профилактика бўйича бир йилда элликдан ортиқ ҳужжатли фильм, видеороликлар олинар экан. Агар бизнинг юртимизда ҳам маиший турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид видеофильм, реклама ва бошқа материаллар тайёрланиб, ОАВда мунтазам равишда намойиш этилиб борилса, бу оилаларда соғлом маънавий муҳит қарор топар эди.

**Ислом АСИЛБЕКОВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

ХОТИРА

# У БИЗ УЧУН ҲАМИША ТИРИКДАЙ...

## ёхуд кўпчиликка “Жўра!” ёки “Отагинам!” деб мурожаат қилган таниқли журналист Қурбон Эшматовни эслаб...

### ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ГЎШАЛАРИ

Тошкентнинг қоқ марказида ўзига хос ташқи кўриниши, меъморий тузилиши, кўрки ва салобати билан алоҳида ажралиб турадиган иккита муҳташам бино бор.

Биринчиси ўн олти қаватли ва тепасига узоқлардан кўриниб турадиган соатлар ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ёнида, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ва собиқ “Тошкент” меҳмонхонаси яқинида қад ростлаган. Мутахассислар эътирофича, у кўҳна ва азим шаҳримизнинг тарихий архитектурасини, жумладан, ўта муҳим “модернизм” ёдгорлиги қиёфасини акс эттиради ва роппароса ярим асрдан буён пойтахтимиз рамзи саналади.

Сал наридаги Амир Темир хиёбонига туташ ерда жойлашган етти қаватли иккинчи иморат эса Матбуот уйи, журналистлар тилида “Газеталар мажмуаси” дейилади. Зеро, унда 40 йилдан буён кундалик ва ҳафталик турли босма нашрлар таҳририятлари фаолият юритиб келаётган эди.

“Келаётган эди” деб ўтган замон давом феълида айтаётганимиз бежиз эмас. “Матбуотчилар уйи” бугун таъмирлашда. 7 қаватли улкан мажмуада жойлашган таҳририятлар эса турли жойлардан қўним топишган. Қайдам, вақт-соати келиб “Газеталар мажмуаси”да яна ҳаёт қайнар. Салкам 103 йиллик тарихга эга бўлган, ўтган аср ўрталарида республика газеталарининг бирлашган нашриёти, Мустақиллик даврида дастлаб “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жойлашган 16 қаватли бинода ҳам бир пайтлардагидек газета-журнал таҳририятлари фаолият юритмайди.

Майли, бу гаплар ўз йўлига. Ушбу биноларнинг келгуси тақдири қандай кечишидан қатъи назар, ҳар иккала иншоот ҳам ўзбекистонлик журналистлар учун ўта қадрли ҳисобланади ва узоқ йиллар одамларнинг хотирасида сақланиб қолади. Чунки улар жуда кўплаб катта-кичик қаламкашлар учун том маънода севимли гўшага айланганди. Жумладан, Матбуот уйида республика миқёсида чиқадиган кўплаб газеталарнинг, шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти нашрларининг таҳририятлари жойлашганди. Уларда ишлайдиган юзлаб журналистлар ҳар куни бир эшикдан кириб чиқишар, тўртта лифтдан фойдаланишар, ёнбошда жойлашган ошхоналарда овқатланишарди. Бундан ташқари, иш жараёнида хоҳ хоналарида, хоҳ даҳлиз ёки ҳовлида бўлсин, ўзаро гурунглашар ва жиддий масалалар юзасидан маслаҳатлашардилар. Бир-бирларининг тўй-маъракаларида ҳам қатнашиб, шодлигу қувончларини ўзаро баҳам кўрардилар. Алқисса, гарчи турли таҳририятларда ишласалар-да, бир жамоа аъзоларидек, таъбир жоиз бўлса, бамисоли туғишган ака-ука ва опа-сингиллардек аҳил-иноқ бўлиб кетишганди.

Энг муҳими, ушбу табаррук даргоҳлар том маънода миллий журналистикамизнинг ўчоғига — бетакрор мактабига айланди. Инчунин, ҳар иккала бинода жойлашган таҳририятларда ўтган давр мобайнида минглаб кишилар меҳнат қилди. Улар орасидан заҳматли ва ҳалол меҳнати ила элга танилган талай забардаст журналистлар, таниқли шоир-ёзувчилар, ҳатто олимлар, давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиқди. Сирасини айтганда, бу биноларда умри ўтганларнинг аксарияти миллий матбуотимиз ривожига катта ҳисса қўшдилар.

### “БИЗКИМ, ТЕНГ ҚАВАТ ЭГАЛАРИ...”

Омадимиз кулиб боққанини қарангки, Қурбон Эшматов ва менга ҳам ўша улуғ даргоҳларда не-не улуғ устозлардан журналистика сир-асрорларини ўрганиш, сўнгра уларнинг этагидан маҳкам тутиб, ўзимизга билдирилган ишончини оқлаш мақсадида астойдил ишлаш ва муайян ютуқларга эришиш бахти насиб этди.

Мен Қурбон Эшматни ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошидан танирдим. Ўшанда у соатли бинонинг 13-қаватидаги “Ёш ленинчи” (кейинчалик “Туркистон”, “Ёшлар овози”), мен эса бир қават юқоридаги “Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳририятида ишлардим. Биримиз Сир соҳилидаги, иккинчимиз тоғли ҳудуддаги қишлоқда туғилиб ўсганимиз учунми, ўзаро самимий муносабатда бўлар, доимо сенлашиб ва кўпинча ҳазиллашиб гаплашардик. Гоҳо бинога кираверишда ёки лифт олдида, гоҳо ошхона ёки зинапояда учрашиб қолсак, Қурбон: “Ҳой, юқори қаватти баласи, қалайсан?” деб сўрарди. Ўз навбатида, мен ҳам бўш келмасдим, “Пастда нима гаплар? Камчиликлар кўпми? Кўп бўлса, мени безовта қилмай, ўзинг ҳал этавер”, деб қўярдим.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, барча газеталар таҳририятлари янги бинога — Матбуот уйига кўчиб ўтди. Бу сафар ҳам олдинги ҳолат такрорланди: ёшлар газетасига бешинчи қаватдан, вилоят нашрига еттинчи қаватдан жой тегди. Энди Қурбон Эшмат билан бошқалар олдида учрашиб қолсам, у мен билан жўрттага чап қўлини қўксига қўйганча эгилиб кўришар ва “Ўсишинг чакки эмас, бирданига мендан икки қават юқорига чиқиб олдинг-а”, дер эди. Ортидан “Фақат эсингда тут: оёғинг ердан узилмасин, отагинам!” деб қўшиб қўярди. Мен ҳам хуштавозе билан “Хўп бўлади, бўтам! Ҳар қанча дардинг бўлса, тортинмасдан менга айтавер, ҳаммасига бир зумда чора топаман”, дея жавоб қайтарардим.

1985 йил ёзида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига ишга ўтдим. Бу ҳафталик нашр таҳририяти учинчи қаватда эди. Шунданми, ҳамон бешинчи қаватда ишлаётган Қурбонга жон кирди. Энди у атай қаддини ғоз тутиб, виқор билан қўл учида кўришадиган ва “Пастда халқаро вазият қандай, жўра? Мабодо, мендан ёрдам керакмасми?” дейдиган бўлди. Мен ҳам темирни иссиғида босиш пайида бўлардим: “Шу десанг, юқори қаватда ишлаётганлар орасида босар-тусарини билмай қолган кўзойнакли битта бола бор. Унинг танобини тортиб, сал пастроққа тушириш керак”. Қурбон гап ўзи ҳақида кетаётганини билиб турса ҳам, билмасликка олар ва “Бўлли, жўра! Бу масала билан шахсан ўзим шуғулланаман”, дер эди.

Ажабки, орадан кўп ўтмай у “ваъда”сининг устидан чиқди, яъни бешинчи қаватдан “Ўзбекистон овози” таҳририяти асосий қисмини банд этган учинчи қаватга “шўнғиди”. Қарабсизки, иккимиз битта қаватда ишлай бошладик. Энди “юқори қават” ва “пастки қават” деган гапларни ишлатмайдиган, бошқалар олдида ва улфатлар даврасида ўзимизни “Бизким, тенг қават эгалари” деб атайдиган бўлдик.

Аммо янги аср арафасида Қурбон менга нисбатан “номардлик” қилди. Аниқроғи, яқинда қаршимиздаги қадимий бинодан Матбуот уйининг еттинчи қаватига кўчирилган “Халқ сўзи”га ишга ўтиб олди. Лекин, тан олиш керак, бу таҳририятда ҳам баракали ижод қилди. Чунончи, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар ва уларнинг хунук оқибатлари хусусида туркум мақолалар ёзди. “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Албатта, мен ҳам кам бўлмадим, “Шуҳрат” медали билан мукофотландим. Лекин барибир ҳали пастки қаватда бўлганим учун Қурбоннинг тили узунроқ, меники қисиқроқ эди. Ахийри бўлмади, 2000 йил бошида гардкамига иш тутиб, “Халқ сўзи”



ходимлари сафига қўшилдим. Қарабсизки, иккимиз яна “тенг қават эгалари”га айландик.

### ЖЎШҚИНЛИКДАГИ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

Мен бу жамоада тўққиз йилдан ортиқ ишладим. Қурбон Эшмат билан анча вақт битта бўлимда ва битта хонада фаолият юритдим. Худда ўша кезлар бу дўстимни ўзим учун қайтадан кашф қилдим. Аввалари уни софдил, доимо қувноқ кайфиятда юрадиган, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, дилкаш суҳбатлари билан давраларга файз киритадиган йигит, серфарзанд оила бошлиғи, ғамхўр-меҳрибон ота сифатида танирдим. Ҳамкорликда ишлаган пайтларим эса булардан бошқа яна бир талай инсоний фазилатларга ҳам эга эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Қурбон, аввало, бағрикенг, очиққўнгил, дилида заррача кири йўқ, каттаю кичик билан бир хил хушмуомалада бўладиган самимий инсон эди. Айниқса, ҳақ гапни дангал айтиши, мардлиги ва тантилиги, садоқатлилиги ва одамгарчилиги билан ажралиб турарди. Ориятни ва ҳалолликни ҳамма нарсадан устун қўяр, бошқаларга қўлидан келганича кўмаклашиш пайида бўларди. Ҳеч қачон иккиюзламачилик ва сотқинлик қилмас, бошига оғир кунлар тушган қадрдонларини ташлаб кетмас, бўҳтонлару таъна-маломатларга гирифтор бўлганларидан воз кечмас ва уларни ёлғизлатиб қўймасди. Шу боис дўстлари ҳам, шогирдлари ҳам бисёр эди.

У журналист сифатида ҳам ўз услубига эга, серқирра ва сермаҳсул, қатъиятли ва жасоратли ижодкор эди. Бирор топшириқни бажарадиган, айниқса, танқидий ёки танқидий-таҳлилий мақола ёзадиган бўлса, зинҳор-базинҳор шошилмас, фақат бир томоннинг гап-сўзларига ишониб, иккинчи томонни кўр-кўрона танқид қилмасди. Олдин ўзи танлаган мавзуни ҳар томонлама чуқур ўрганар, далил-рақамларни қайта-қайта текширар, уларнинг тўғрилигига қатъий ишонч ҳосил қилгандан кейингина қўлига қоғоз-қалам оларди. Фикр-мулоҳазаларини эса содда ва равон тилда аниқ-лўнда қилиб ифодаларди. Ана шундай саъй-ҳаракатлари ва изланишлари самараси ўлароқ, унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий мавзулардаги публицистик мақолалари ҳам, суд очерклари ҳам газетхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилар ва таҳририятимизга нажот истаб келувчилар сони янада кўпайишига сабаб бўларди.

Менимча, шу ўринда яна бир муҳим гапни эслатиб ўтиш жоиз. “Халқ сўзи”да ишлаган йилларимиз аксарият жамоадошларимиз сингари Қурбон иккимиз ҳам ранг-баранг мавзуларда қалам тебратдик. Шунингдек, айрим ҳамкасбларимиз қатори ўша кезлар миллий матбуотимизда пайдо бўлган ва жадал ривожлана бошлаган “Журналист суриштируви” жанрида мақолалар ёзишга киришдик. Айни йўналишдаги чиқишлар эса, ноҳақликка учраган кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани, таҳлилларга бойлиги билан бошқа мақолалардан кескин фарқланарди. Моҳиятан одамларни жамиятда рўй бераётган воқеалардан вақтида бохабар қилиш ва фикрлашга даъват этиш, аҳолининг дунёқараши юксалиши, ҳақиқат қарор топиши, мамлакатимиз обрў-эътиборини ошириш ва миллатимиз нуфузини мустаҳкамлаш учун хизмат қиларди. Бу, ўз навбатида, суриштирув олиб борадиган журналистлар зиммасига катта масъулият юклар эди. Аниқроғи, уларнинг олдига теран фикрлай олиш қобилиятига ва бой тажрибага эга бўлиш, шошма-шошарлик ва бирёқламаликка йўл қўймаслик, сабр-тоқат билан холисона иш юритиш, ҳар қандай ҳолатларга шай туриш талабини қўярди.

Табиийки, биз ҳам таҳририятга келган шикоят хатлари асосида текширишлар ўтказиб, танқидий мақолалар тайёрлашда ана шу тамойилларга қатъий риоя қилдик. Уларда мутасадди ташкилот-идораларнинг айрим ходимлари йўл қўйилган хато-камчиликлар ва қонунбузарликларни, турли соҳаларда рўй берган адолатсизликларни имкон қадар фош этишга уриндик. Натижада адолатсизлик қурбонига айланган бир қанча кишиларга ёрдамимиз тегди. Қай бирлари оқланиб озодликка чиқишига, қай бирлари ўзига тегишли мол-мулкини қайтариб олишига ёки ишига тикланишига, озми-кўпми, ҳисса қўшдик. Эвазига кўпинча раҳматлар эшитиб роса қувонган, баъзан эса мақоламизда танқид қилинганларнинг асосли-асоссиз эътирозлари гирдобида қолган, ёзганларимиз тўғрилигини исботлаш учун тегишли идоралару судларга қатнаб, ҳафталаб-ойлаб қаттиқ изтироб чеккан пайтларимиз ҳам кўп бўлди.

### СУВ ТОҒНИ ЕМИРАДИ, ТУҲМАТ — ОДАМНИ

Бир сафар анча муқаддам ножўя ишлари газетамизда фош этилган собиқ амалдор “Мен ўзим ҳақимда танқидий мақола ёзмаслиги учун Эшматовга биров орқали пул берганман”, деб арз қилди. Бу масала билан шуғулланиш каминага топширилди. Мен масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, бир нечта саволни ўртага кўндаланг қўйдим.

Биринчидан, агар ўша киши айби бўлмаса, нима учун газетада танқид қилинишидан қўрқди ва нега мақолани чиқармаслик учун журналистга пул берди? Иккинчидан, кимдандир манфаат кўриб, оғзи мойланган мухбир нуфузли нашрда унинг қилмишлари ҳақида танқидий чиқиш қилиши мантиққа тўғри келадими? Учинчидан, ўша одам не сабаб мақола чоп этилган пайтда эмас, орадан бир неча ой ўтиб, аниқроғи, таҳририятимизнинг такрорий огоҳлантиришидан сўнг масала мутасадди ташкилотлар томонидан муҳокама қилиниб, ишдан ҳайдалгач, шикоят ёзди? Энг ажабланарлиси, бу хусусда олдин ҳам, кейин ҳам нега тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилмади? Ёки у пора берган ва олган ҳам, ўртадаги воситачи ҳам жавобгарликка тортилишини, юзага келган ҳолат ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни вақтида хабардор қилган шахс эса жазоланмаслигини билмасмиди?

Юзма-юз суҳбатимиз чоғи шикоятчи бу саволларнинг бирортасига ҳам тайинли жавоб беролмади. Лоақал пора сифатида қачон, қаерда, кимнинг воситачилигида ва қанча миқдорда пул берганини аниқ-тиниқ айтолмади. Туҳмат қилгани учун журналист ва таҳририят уни судга бериши ҳам мумкинлигини эшитгач, илкис ҳушёр тортди. Пировардида аламзадалик ҳис-туйғуларига берилиб, адашганини тан олди. Биздан узр сўраб, шикоят хатини ҳисобдан чиқаришимиз тўғрисида тилхат ёзиб берди. Ана шундан сўнггина бир неча ҳафтадан буён асабийлашиб ва ҳафсаласи пир бўлиб, қўли ишга бормай юрган Қурбон жўрам қайтадан қаддини ростлади.

### ЁМОНЛИК — ҲАР КИШИДАН, ЯХШИЛИК — ЭР КИШИДАН

Буни қарангки, мавриди келиб, Қурбонни қийнаган можарога ўхшаш ташвиш ўзимнинг ҳам бошимга тушди. Бу маломат тоши ташқаридан эмас, ичкаридан отилди. Биз билан битта бинода ишлайдиган ҳамкасбларимиздан бири “Олис вилоятда яшовчи ёш болали келишган аёл бу йигитнинг олдига жа-а серқатнов бўлиб қолди. Ўртада нимадир бор-ов...” мазмунида фикр билдириб, ўзича мени тамагирга йўйибди. Бу гап бизнинг жамоадошларимиз қулоғига ҳам чалинибди.

Тўғри, мен ўша аёлни танирдим. Унинг ёшгина эри ўзи атиги бир ойгина ишлаган корхона раҳбарлари ва бир неча ҳамкасби билан бирга судланиб, муайян муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Мен ўша ишни синчиклаб ўрганиб, адолатсизлик содир бўлганини аниқлаган ва шу асосда мақола тайёрлаётгандим. Маҳкумнинг турмуш ўртоғи эса шу вақт оралиғида икки бор пойтахтдаги нуфузли идоралар масъуллари қабулида бўлди. Улардан қониқарли жавоб ололмагач, таҳририятимизга келиб, “Эримнинг иши нима бўлаяпти?” деб сўради. Мен тўрт яшар боласи билан ёлғиз қолган, боқувчиси йўқлиги туфайли моддий аҳволи анча танглашган бу жувоннинг илинжини ҳам, аҳволини ҳам тушундим. Шу боис иккала сафар ҳам ҳаммаси жойида бўлишини айтиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим. Азбаройи ачинганимда пастга тушиб ўғилчасига ул-бул ширинликлар олиб бердим ва иккисини таксига ўтиргизиб кузатиб қўйдим.

Ажабки, қайсидир ғаламис кимса беғараз ниятдаги бу ишимни тескари талқин қилибди. Устига-устак, доимо бизнинг ишимиздан хато излаб юрадиган бир ҳамкасбимиз гўёки менга ён босгандек бўлиб, у айтган гапларни оқизмай-томизмай ўзимга етказди.

Хуллас, ўша куни эрталаб фавқулодда “янгилик”дан огоҳ топиб, ишхонада жиғибийрон бўлиб ўтиргандим. Бир маҳал Қурбон Эшмат кириб келди. Мен билан сўрашиб, жойига чўкар-чўкмас, “Ҳа, тинчликми, ўртоқ Ҳайдар-ов?” деди (у ҳазиллашиб менинг фамилиямни шундай талаффуз қиларди, мен эса унга “Эшмат-оп” деб мурожаат қилардим). Бўлган воқеани айтгандим, астойдил жаҳли чиқиб, “Уҳ, аблаҳ!” дея столни қаттиқ муштлади. Сўнгра шахт билан ўрнидан турди-да, тўғри Бош муҳаррирimiz Аббосхон Усмоновнинг кабинетига йўл олди. Мен унинг ортидан ҳойҳойлаганча қолавердим.

Кейин эшитишимча, Қурбон Аббосхон аканинг ҳузурига кириб, бор гапни рўйирост айтибди. “Мен бу жўрамнинг ҳамма хатти-ҳаракатидан ипидан-игнасигача хабардорман, ўша аёл билан хонамизда нима ҳақда гаплашганини ҳам биламан. Агар у тамагир бўлганида, одмигина костюм-шимда ва бир неча йиллик туфлида юрармиди? Шу гапни айтганларга ўхшаб башанг кийинмасмиди? Аслида, унинг ўзига ғирт бегона ўша ночор аёлга ва боласига ҳиммат кўрсатиб, уларни кузатиб қўйиши одамгарчиликка киради-ку!” дебди.

Ҳаял ўтмай, Аббосхон ака мени ҳузурига чорлаб: “Бунақа гап-сўзларга парво қилманг. Ҳуда-беҳуда асабийлашиб, кўнглингизни чўктирманг. Биз сиз қандай инсон эканлигингизни жуда яхши биламиз, ука!” деди.

Бу таскин-тасаллидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Масалага одилона ёндашгани ва менга нисбатан ишончини йўқотмагани учун раҳбаримизга миннатдорчилик билдирдим-да, унинг хонасидан яхшиликка яхшилик ила жавоб қайтарган Қурбон билан қўлтиқлашиб чиқиб кетдим. Аммо шу тобда кўзларимга ёш қалқиганини ҳеч кимга сездирмадим...

### ДЎСТИМНИНГ УШАЛМАЙ ҚОЛГАН ОРЗУСИ

Вақти-соати келиб, раҳбарият янгиланди, вазият ўзгарди. Журналист суриштируви жанри четга сурилди. Алал-оқибат, тақдир тақозоси билан олдин Қурбон, сўнгра мен ишдан кетдим. Лекин, Худога шукур, кўчада қолмадик. Дебочасига биримиз ўша мажмуадаги “Солиқ ва дунё”, биримиз “Суҳбатдош” газетасига бош муҳаррирлик қилдик. Шунингдек, қўшни бинолларда жойлашган “Инсон ва қонун” газетасида ҳамда “Муштум” журналида меҳнат қилдик. Кейин эса ўнлаб устозлар, шогирдлар ва дўстлар орттирган, умримизнинг салкам ўттиз йили ўтган, яхши-ёмон кунларимизнинг шоҳиди бўлган, ўз уйимиздек муқаддас гўшага айланиб қолган даргоҳни тарк этдик. У “Фермер” журналида, мен “Истеъмолчи” газетасида ишлай бошладим. Бу нашрлар таҳририятлари Навоий кўчасида жойлашган, ораларидаги масофа атиги 400-450 қадам эди. Бинобарин, икковлон тез-тез учрашиб ва суҳбатлашиб турардик.

“Истеъмолчи” газетаси, асосан, собиқ давлат мулк қўмитаси фаолиятини ёритадиган “Биржа” ҳамда “Менинг мулким” газеталарига қўшиб юборилгач, биз аввалига ўша ташкилот жойлашган Ислом Каримов кўчасидаги 51-уйга, сўнгра Амир Темур кўчасидаги 6-уйга кўчиб ўтдик. Шунда ҳам Қурбон билан алоқамиз давом этди. Коронавирус балоси роса қутурган пайтларда эса тез-тез телефонлашиб турдик. Аммо...

2020 йил август ойи охирларида қўнғироқ қилгандим, у ўзи туғилиб ўсган Оммағон қишлоғига бориб хасталикка чалиниб қолганини ва илк муолажани Шаҳрисабзда олганини, айни дамларда Қарши шаҳридаги шифохонада даволаналётганини айтди. Сўнгги бор хабарлашганимда эса алланечук хушкайфиятда ва баланд-ўктам овозда “Аҳволим анча яхши! Худо хоҳласа, эрта-индин шифохонадан чиқаман”, деди.

Афсус, унинг бу орзуси ушалмади. Икки кундан кейин кечки пайт “Қурбон Эшматов 62 ёшида вафот этди. Жанозаси Тошкентда ўқилади, у ҳаётдан жуда эрта кўз юмган қизининг қабри ёнига дафн этилади” деган нохуш хабардан тошдек қотдим. Эртаси куни эрталаб минг бир ғам-ғуссага ботиб, қабристон сари отландим...

Мана, ўшандан буён орадан тўрт йилдан ортиқ вақт ўтди. Лекин, менинг назаримда, Қурбон ўлмагандай, ҳамон тирикдай. Қачонки, иккимизга яқин бўлган дўстларимиз билан учрашиб ва суҳбатлашиб қолсам, у ҳам шундоққина рўпарамизда ҳеч кимнинг кўнглига қаттиқ ботмайдиган беғараз ва беозор ҳазил-ҳузуллари билан даврамизга файз киритиб ўтиргандай туюлаверади. Ва ишончим комилки, то тирик эканмиз, бундан кейин ҳам биз учун шундай бўлиб қолаверади...

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

## ЎЗБЕКИСТОН-ОЗАРБАЙЖОН:

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Озарбайжон парламенти депутати Нагиф Ҳамзаев, Озарбайжон матбуот кенгаши бошқаруви аъзоси Агил Алескер, Қорабоғ уруши фахрийси, журналист Нахид Жанбахышлы ҳамда Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази маъмури Юсиф Маммадов Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари таҳририятида меҳмон бўлиб, ижодий жамоа билан мулоқотда улар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида бўлдилар.***



Меҳмонларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ташкил этилиши тарихи, фаолияти, тузилмаси ҳақида маълумотлар берилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар, халқларимиз ўртасида дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани, икки мамлакат медиа соҳа вакилларининг ижодий алоқалари, бу борадаги галдаги ҳамкорлик масалалари хусусида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоиз, 2024 йил апрель ойида Боку шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Озарбайжон Матбуот кенгаши ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланган эди. Икки қардош мамлакат оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ижодий алоқаларни янада ривожлантиришда мазкур келишув муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида қайд этилди.

Қизғин мулоқот якунида озарбайжонлик делегация аъзоларига тарихий обидаларимиз акс этган эсдалик совғалари улашилди. Ўз навбатида хорижлик меҳмонлар ҳам Уюшма учун олиб келган совғаларини тақдим этди.

# САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТЛАР МАСЪУЛИЯТИ

***Навоий шаҳридаги “Ёшлар медиа маркази”да Навоий вилояти ҳудудий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида “Сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаолларининг ўрни” мавзусида семинар ташкил этилди.***




Навоий вилоятидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар, ижтимоий тармоқ фаоллари ҳамда ҳудудий сайлов комиссияси аъзолари иштирок этган мазкур семинарда дастлаб Навоий вилояти ҳудудий сайлов комиссияси раиси Шуҳрат Жўраев жорий йилги сайловлар янги сайлов қонунчилиги асосида ўтказилаётгани, уларни ёритишда журналистларнинг ўрни, бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ёритиш бўйича аккредитациядан ўтказилган ОАВ вакиллари олдига қўйиладиган вазифалар хусусида атрофлича сўз юритди.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Дилшод Мамаражабовлар сўз олиб, вилоят ҳудудида бўлиб ўтадиган сиёсий тадбирларни холис, ҳаққоний, адолатли ёритиш ОАВ вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаолларига катта масъулият юклашини, бу вазифани бажаришда фаоллик ва тезкорлик муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, семинарда аҳолининг сайлов жараёнлари билан боғлиқ ҳуқуқий билим ва малакаларини ошириб бориш мақсадида янги сайлов қонунчилиги, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳам ОАВ вакилларига атрофлича маълумотлар тақдим этилди.

Семинар давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан атрофлича жавоб олдилар.

# КУРСДОШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

***Пойтахтимиздаги “Иброҳимбек” маросимлар уйида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида 1990-1996 йилларда таҳсил олган курсдошларнинг учрашуви бўлиб ўтди.***




Қарийб ўттиз йилдан бери мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот хизматларида фаолият олиб бораётган курсдошлар куннинг биринчи ярмида ўзлари бундан 28 йил илгари таълим олган Ўзбекистон Миллий университетига боришди, ўқув хоналарида бўлиб, талабалик йилларини эсга олдилар. Билим маскани яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, устозларини йўқлаб, улар билан дилдан суҳбатлашдилар.

Курсдошлар учрашуви тадбири доирасида “Биз — журналистлар” китоби тақдимоти ўтказилди. Ушбу китобга курсдош-ижодкорларнинг публицистик материаллари, ҳикоя ва шеърлари киритилган.

Учрашувда устоз журналистлар Мухтор Худойқулов ҳамда Юсуф Ҳамдамов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Абдусаид Кўчимов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов ва бошқалар ҳам қатнашди. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида устозлар собиқ курсдошларни дийдор учрашуви билан муборакбод этиб, улар мамлакатимиздаги ҳудудий ва марказий оммавий ахборот воситаларида, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётгани, миллий журналистикамиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлашди.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси**
**Ахборот хизмати**

КЕЧИНМА

# “МЕН КИММАН?”



**“Мен кимман?” деб ўйлайман доим.**

**Одамлар мени жудаям кучли аёл деб билишади: кучлилигим кўпинча қўрқитади, ҳайиқтиради, ҳолбуки, мен бундай кўринишни сира истамагандим. Нозиклигимни тушунишларини истаб яшайман. Чунки жуда ҳам инжа, жудаям нозик кўнгилли одамман.**

Аслида, бутун ҳаётим уй юмушларини аъло даражада бажариш, жиянларимни катта қилишда опаларимга кўмаклашиш, яқинларимга қўлимдан келганча ёрдам беришга интилиш билан ўтди. Булар менинг феълимга ҳам сингиб кетган. Агар кўчада икки-уч соатдан кўпроқ қолиб кетсам, фарзандларим олдида ҳам, уйим, оилам олдида гуноҳкордек сезаман ўзимни. Йиғлаб юборишим ҳам мумкин.

Ҳаётим хавфсизлиги муҳтарам шахслар, буюк инсонларни ўзимдан ҳам кўра кўпроқ ўйлантирган. Бугунги кунгача сиёсатнинг “катта ўйинлари”ни ҳамон тушунмайман. Тушунишни истамайман ҳам. Ҳаёт мени кўпроқ йиғлатдими, қувонтирдими, билмайман буни ҳам. Шуни биламанки, бахтли одам эканман! Қадрлайдиган, севадиган, менинг ҳеч қачон синишимга йўл қўймайдиган қадрдонларим бор! Инсонларни тушунишни, гўзалликни идрок этишни, бахтга фақат ва фақат тўғри йўлдан боришни хоҳлайман — шу!

Ошхона ва кутубхона орасида умргузаронлигим... Бошқа нарсаларни орзу қилмайман.

Саёҳат қилишни ва кузни севаман.

Ва Тошкентни...

*2024 йил 30 сентябрь.*

## “БИНАФША”



Қадрдон ҳовлимиздан Наврўз баҳона бир даста бинафша териб келдим. Сағал кечроқ... шунга қарамай, гулдаста қилишдан ўзимни четга тортолмадим... барибир ширин туйғулар беради менга. Бинафшанинг иси 8 март арафасида жуда нафис бўлади, ёнидан ўтиб кетолмайсиз... Жуда ҳам беозор гул, чамандек очилиб ётаверади.

Иккинчи синфдаман, шанба куни дарсдан кейин бувимникига борадиган бўлдим. Мактабимизнинг орқа эшигидан чиқиб, Хўжалик деган кўча ёқалаб, Коммунистлар қабристонининг ёнидан ўтиб, Чиғатойдаги бозорчадан нон сотиб олиб, бувимникига кетяпман... Шошиб-чопиб, чопиб-шошиб...

Бувимни эслашга ҳаракат қиляпман ҳозир: мени кутиб олсалар ҳам, кузатсалар ҳам, йиғлардилар. Ўшанда тушунмасдим нега йиғлайверадилар деб. Майин қўллари билан сочларимдан силардилар, қўлларимдан силардилар: “Бунча чиройлисан, адангнинг ёшлигига ўхшайсан”, дердилар. Менимча, назарларида биздек, набираларидан чиройлироқ қизлар ўзи дунёда йўқ эди.

Қучоқ очиб кутиб олардилар. Ҳар бир хатти-ҳаракатимга қараб турардилар, кийимларимни ечсам, чиройли қилиб тахлаётганимни кўриб, алқардилар: “Бунча чиройли ишларинг-а!” деб. Дастурхон атрофидаманми... кўпроқ ейишим керак эди. Лекин чойни ҳам тезроқ ичишим кераклигини айтиб турардилар. Келинойиларим-чи?.. Войбў, бу илтифотни кўрмабсиз... Келиб кетгунингизгача минг марта айланиб ўргилишарди, уйларидаги энг чиройли нарса сизники бўларди. Чойни дам-бадам пиёланинг тагида узатиб, кузатиб ўтиришар, бирлари “Настинька” деб эркалашар, иккинчилари ўтирган кўрпачамни, ёстиғимни текислашар, нима қилишса-ю мени хурсанд қилишса... Ошхонага кириб олиб, турли ширинликлар пиширишар, эрталабки чойга қатлама, сомса, ҳолвайтар, ширин кулчалар, патирчалар... Албатта, норинга ҳаракатга тушиб қолишарди. Ёки хоним қилиб, арзанда банкалардаги тузламаларни олиб чиқиб, олдимга қўйишар, худди бир алламбало меҳмонми, қуда холами келгандек иззат-икром кўрсатишарди. Мен-чи, мен нима билан қайтардим шу одамларнинг меҳр, муҳаббатларини?.. Арзийдиган бирор иш қилолганим йўқ, аслида. Азоб беради шу нарсалар... Университетга ўқишга кирдим, кейин Ойбек метро томонларга узатилиб кетдим, фарзандларим туғилди, уй-рўзғор, ижод — шулар билан умрим ҳам ўтиб кетибди....

Эртаси куни якшанба тушликдан кейин мени кузатиш маросими бўлиб, ҳамма чиқиб, мени кузата бошлашди... Эндигина кўчага кетаётганимизда, бувим войвойлаб қолдилар: “...Абдулла, сен югур, лопаткани олиб кел, бинафшадан олиб бер... Ҳабибулла, сен ялпиз кўчатидан олиб бер...”

Кейин Абдулла амакимнинг мотоцикларига ўтқизишган, келганман, қўлимда бувим менга илинган целлофанга ўралган кўчатлар. Шундай хурсанд бўлиб келяпман... Чунки бир умр ҳавасим келарди ҳовлисида бинафша ўсадиган синфдошларимга. Энди менам олиб борадиган бўлдим-да уларга.

Шу-шу ҳовлимизда бинафша ўсадиган бўлди. Мактабда ўқиб юрганимда “Бинафша” деган шеър ёзганман ва у “Ленин учқуни” газетасида чиққан. Ҳамза Имонбердиев жуда ҳайратга тушиб ўқиб берганлар, Абдусаид ака Кўчимовга ҳам жуда ёққан экан, масъул котиб эканлар ўшанда, айтдилар-да борганимда: “Яхши шеър бўлгани учун иккита катта шоирнинг шеърлари ўртасига қўйиб чиқардик...”

Ўша бинафшалар, ялпиздан бугун бизнинг Кўкчадаги ҳовлимизга ҳам келган. Ҳалима опанинг бир лутфлари бўлар эди: “Ҳар бир майсага “Салом” дегим келади”, деган.

“Салом, бинафшалар!”, “Салом, ялпизим!” дейман уларга қараб...

Бувимнинг жойлари жаннатдан бўлсин! Омин!

*2020 йил, март.*

## “ДИЛФУЗА ОПАМНИНГ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИГА...”

Кеча кун бўйи кўнглимга қил ҳам сиғмади. Уйга кирдим, ҳовлига чиқдим, райҳонларим қаршисига чўкдим... “Адам тирик бўлганларида, кечаги кунни кўрганларида” деб...

Икки кун аввал Дилфуза опамнинг таваллуд кунларини нишонладик. Бу қутлуғ санага Дилфуза опа имонли, эътиқодли турмуш ўртоғи, меҳрибон, бутун қалби билан сизга жони ачийдиган тавозели қудалар, ақлли, меҳнаткаш куёв, шодлиги ҳам, қувончи ҳам — сизники, куйсангиз сочидан бошлаб то ерга теккунча куядиган меҳрибон келин, бир-биридан асал набиралар, минглаб шогирдлар, “фан доктори, профессор” унвони билан етиб келдилар.

Кеча эсладик яна... биринчи синфда ўқитувчиси София опа Дилфуза опамга қирқ нафар ўқувчининг сиёҳдонини ишонганини, кечга яқин уларни столга тизиб, ҳаммамиз сиёҳ қуйиб чиқишимиз, кейин эрталаб уларни бир сумка қилиб олиб кетишларини... Эсладик, мактабимиз директори, уруш қатнашчиси Ҳамидулла аканинг олтин медаль топшириш маросимидаги сўзларини: “Ҳаётимда биринчи бор шундай воқеага дуч келишим, журналларни қараб чиқдик. Дилфуза бирон кун ҳам дарс қолдирмаган, бирон марта ҳам “4” баҳо олмаган экан”, деган сўзларини.

Нимасини айтасиз, бизнинг жамиятимизда фан доктори, профессор бўлиш... жуда қийин, жуда ҳам қийин... Қирқ ёшдан ўтар-ўтмай фан доктори бўлдилар опам. Шароф Рашидов: “Ўттизга бормай профессор бўладиган қиз экан”, деган эканлар даставвал кўрганларида ва топшириқ берганлар Оқилхон Салимовга: “Шу қизга қаранглар”, деб... Шунга ҳам қирқ йил бўлди...

Дилфуза опам Сурхондарёнинг Денов туманидаги Ҳазарбоғ хўжалигида туғилганлар. Бир кун илгари бувим борибдилар Тошкентдан, якшанба куни бўлган — адам Термизга бориб келганлар ва тунда бомдод намози ўқилаётганда, дард бошланган ва иккалалари секин йўлга тушишган. Тўрттагина хонаси бор доялик пунктида. Шу қадар иссиқ бир кунда, тепаликда экан бу дояхона, Амударё кўриниб турарканг, у ёғи Афғонистон... Менга бир умр шу воқеа қизиқ бўлиб кўринарди. Адамдан сўрардим: “Ада, у ёғи Афғонистон, сиз душманлардан қўрқмадингизми, нега тепаликка чиқардингиз, нега дарёнинг олдига бордингиз? Сизни отиб ташлашса нима қилардим?” деб куйиниб ўтирардим.

Ҳозир ўйлайман, мусофирчиликда ота-онамга нақадар қийин бўлганини. ТошМИ дипломини олиб, адам Сурхондарёга кетганлар, кейин уйланиб, опамларни ҳам олиб кетганлар. Тасаввур қилолмайман ҳозир бу ҳолатни, юз нафар қариндош-уруғларимиз кузатгани чиқишган экан вокзалга. Улар икки ёш қирқ кунлик чақалоқни олиб, поездга ўтиришган, тунда етиб борган поезд Деновга, станцияда тунаб қолишган, нотаниш одамлар уйларига олиб кириб кетишган, нотаниш одамлар ўзларига ва чақалоққа қарашган. Кетар чоғларида бир сумка совға-салом билан кузатишган ўша нотаниш одамлар. Кейин ҳеч қачон кўришмаган бир-бирларини. Опам дастурхонни ҳар гал меҳмонларга солганларида, шуни эслар, “Буни менга Деновдаги станция яқинида турадиган аёл совға қилган”, дердилар... Менимча, ҳали ҳам бор шу дастурхон... Зиғир толасидан тайёрланган ҳашамдор дастурхон... Оппоқ дастурхон...

Минг бир қийинчиликлар бўлган мусофирчиликда, шу қийинчиликларни кўриб улғайишган опаларим... Жуда кўп қийинчиликлар... Шунинг учун улар иродалироқ, собитроқ, жасоратлироқ мендан кўра.

Адам ҳаёт бўлганларида... Эҳҳе, қанча қувонардилар дедим Дилфуза опамни кўриб.

Жойлари жаннатдан бўлсин.


Дилфуза опамга узоқ умр, янги зафарлар, “академик”лик матлабини ҳам тилаб қоламан.

*2022 йил, 10 июль.*

## “САМАРҚАНД”

Самарқанд — шарқу ғарбни маҳлиё айлаган сеҳрли, сирлар водийси, дунё маликаларининг маликалари юрти, шоҳу ипакларга ўралган, олтин тупроқли замини узра карвон қўнғироқлари мудом тинмаган дунё гўзали! Келдилар-кетдилар дунё зобитлари, собитлари, искандарлари-ю соҳибқиронлари, элчилари... Ёндирдинг, қалбларига ҳайрат солдинг, тубсиз ҳавас билан қайтдилар ортларига! Мен ҳам муҳибингман сенинг, ҳайратларга тушиб қолганман илк бор келганимда, қирқ йилки, сенинг мафтунингман, тафаккур ва ақл соҳиблари, адолат ва эътиқод пешварлари, илм-фан, ижод гулшани бўлолган Самарқандим — яна келдим бағрингга, узоқ йўллар ва йилларни босиб, кўнгилга қил ҳам сиғмаган дамларда тушларимга кирардинг, келдим яна бағрингга.

Дунёнинг буюк саркардалари кўп. Атилла-ю Чингизхон, Цезар ва Искандар Мақдуний... Булар бир ён-у, Амир Темур сиймоси бир ёндир. Йиғлаб бордим бу қабрга.



Рум фотиҳи Искандар, сенинг жасур қалбинг ҳақида эмас бугунги сўзлар, муҳаббатинг ҳақида кейин айтарман, севги номаларинг юрак қатламларимга кириб олган корсикалик номаълум йигит Бонапарт, сен ҳақингда ҳам эмас, Цезарь, Чингизхон, сизларнинг ҳар бирингиз буюк зотларсизлар, лекин бугун бошқа буюк бир зот ҳақида ёзаман.

Амир Темур қабрларига кириб бораётиб йиғлаб юбордим. Ҳайрон боқдилар эр-хотин америкаликлар, сўзлаб туриб, қотиб қолдилар; инглизлар бошларидан шляпаларини олдилар — тушунмадилар улар ҳам, француз аёллари оппоқ соябонлари оша қараб қолдилар.

Тақдир изми билан туғилган инсон тақдири... Ҳали туғилмасиданоқ, озодлик, Ватан мустақиллиги туйғуси билан туғилиш осонми? Осонмас сира ҳам (қорин тўйдириш ғами кучлироқ одам боласида)! Исён билан туғилиш, томирларидан оққан қонда шу илиқ мужда бўлмаса, шу деб тунлари хотиржам ухлолмаса, оддий инсоний саодатдан мосуво бўлса нима қилсин одамзод? Қайга қочсин бу қисматидан, қайларга бориб бошини урсин, йиғласин, дод солсин — ҳаммаси бефойда. Чорраҳаларда учрашган юлдузлар остида туғилган инсон. Шоҳ ва оила, ҳукмдор ва муҳаббат, сиёсат ва фарзандлар... оғир бу нарсалар. Жуда қийин бир-бирининг мувозанатини ушлаш.

*2022 йил, август.*

## “ҲАДЕМАЙ СЕН ТУҒИЛГАН КУН, ҚИЗИМ...”

Ҳозир қандай кўринишга эга бўлардинг? Билолмайман... ўн тўққизга ҳам кирмаган, ўн саккиз баҳоридан нарига ўта олмаган одамнинг кейинини тасаввур қилиш қийин бўларкан ахир. Сени ҳар хил кўринишларда тасаввур қилиб кўраман. Барибир, қай бир томондан қарамай, гўзал, мафтункор, олижаноб, меҳрибон, шафоатли, мунис, энг муҳими, мен учун, аданг, сингилларинг, уканг, яқинларинг учун азиз бўлардинг, севимли бўлардинг, керак бўлардинг, шубҳасиз.

Чарос қизим, гўзалим, жоним болам, биламан, гапларимни эшитиб турибсан.

Биласанми, туғилганингда жуда қаттиқ азоб едим, сени биринчи бор кўрганимда дарҳол ҳаммаси унут бўлди, оналик футуввати барча азобларимга барҳам берганди. Эртаси тонг билан турганимда кўзимни очиб кўрганим дераза ортида оппоқ бўлиб, бодраб гуллаб ётган оқ олмалар бўлган. “Биз олмамиз” деб ёзгандилар Ҳалима опа қиз боланинг тақдири ҳақида. Кейинги кунлар ёмғир ёғиб, қаттиқ шамолда олма гуллари ҳар томонга учиб кетган эди. Қисматинг шундай бўлдики, олма гулларидай қайларгадир учиб кетдинг.

Учинчими, тўртинчи синфда ўқиётганингда хафа бўлиб келдинг мактабдан: “Мен энди тушундим ҳаммасини, яхши одамлар қийналиб яшашаркан. Нега сиз, адам бундай яшайсизлар?” дединг ва йиғлаб юборгансан. Хафа бўлганман Сурайё опадан. “Нима қиладилар болаларга ҳақиқатни гапириб?” деб.

Ҳаётда юз бераётган адолатсизликларни мурғак вужудингга кўмиб яшадинг.

Шу бўйи ўтиб кетамизми ҳам деб ўйлардим ўзимам.

Биз оилада сен ҳақингда ўн уч йилки, гаплашмай келяпмиз. Ҳаммамиз учун оғир сенинг исмингни эсга олиш ҳам. Карим Баҳриев рафиқаси бўлишдан ҳам фарзанди, севимлиси бўлишнинг қисмати ундан ҳам оғир бўлди. Аллоҳ билгувчидир.

Аданг билан қандай фахрланиб яшадинг, айниқса, университетга кирганингда, талабалару домлалар сени бошларига кўтаришибди. Бу обрў, эътибор аданг туфайлилигини тушунардинг. Бошимга тушган оғир қисматга қарамай, менам аданг билан бир умр фахрланаман. Адаштирмасин Аллоҳим, то қиёмат қадар шундай бўлиб қолай.

Киприклари узун бўлиб, кўзларинг чарос бўлиб туғилгандинг.

Қанийди, бу дунёда тенгсизлик, адолатсизлик бўлмаса, нафс ўпқони одамларнинг гирдидан ушламаса... Балки, бирга бўлармидик, ҳозир ёнимда бўлган, яқин кунларда сени 31 ёшлик таваллудингни бирга нишонлаган бўлармидик, болам? Аллоҳим, кечир мени, синовларингга собит бир банданг хаёлидан ўтган фикрлар учун.

Гўзал Чаросхон, Аллоҳнинг олдида элчим, кутиб олгувчим, тинч ухла, биздан энди хавотир олма.

*2023 йил 5 апрель...*

**Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА**

ХОРИЖ

## НАТО ЯНГИ ҲАРБИЙ ШТАБ ОЧДИ

***НАТО Болтиқ денгизидаги вазиятни доимий кузатишга мўлжалланган янги ҳарбий-денгиз штабини очди. Бу ҳақда “Deutsche Welle” хабар берган.***



Нашрнинг ёзишича, Германия Мудофаа вазири Борис Писториус мамлакатнинг Росток шаҳрида янги ҳарбий-денгиз штабини тантанали очиб берган. Ўз нутқида у минтақанинг стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, унинг Россияга яқин географик жойлашуви ҳақида гапирган. У, шунингдек, Россия тўхтовсиз тажовузни амалга ошираётгани, минтақани беқарорлаштиришга интилаётганини билдирган.

“Янги штаб Россияга яқин минтақада НАТО манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди”, деган Писториус.

Бундан ташқари, у Россиянинг тажовузи турли шаклларда намоён бўлаётганини — гибрид ҳаракатлардан тортиб киберҳужумларга қадар давом этаётганини ҳамда ушбу ҳаракатлар тинчлик ва уруш ўртасидаги чегараларни хиралаштириб, Европа хавфсизлигини издан чиқараётганини, ишончни бузаётганини ва Москва таъсирини кучайтиришга ёрдам бераётганини ҳам қайд этган.

## ҲИНДИСТОН ВА ХИТОЙ ЧЕГАРАДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИ

***Ҳиндистон ТИВ раҳбарининг айтишича, икки давлат чегараолди ҳудудларида патруль хизматини ўташ бўйича эришилган келишув 2020 йилда юзага келган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.***




Ҳиндистон ва Хитой Ҳимолайдаги баҳсли чегара ҳудудларида кескинликни камайтириш мақсадида патруль хизматини ўташга келишиб олди, деб хабар берган ”BBC”.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Викрам Мисрининг маълум қилишича, томонлар “ушбу чегара ҳудудларида 2020 йилда пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишга” келишиб олган. У ҳар икки давлат ҳам йўқотишларга дуч келган Галван водийсидаги тўқнашувни назарда тутган — мазкур ҳудуддаги биринчи тўқнашув 1975 йилда содир бўлган. Шундан буён қўшнилар ўртасидаги муносабатлар кескинлигича қолиб келаётган эди.

“Ҳиндистон ва Хитойнинг чегараолди ҳудудларидаги фактик назорат чизиғида патруль хизматини ўташ бўйича эришилган келишув 2020 йилда юзага келган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади”, — деган В. Мисри.

## БИР ЙИЛ ИЧИДА ИККИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ

***Вьетнам Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий бюроси аъзоси ва котибиятининг доимий аъзоси ҳисобланган, бир пайтнинг ўзида армия генерали бўлган Лионг Куонг жорий йилнинг 21 октябрь куни мамлакатнинг Президенти этиб сайланган. Бу ҳақда “Reuters” хабар берган.***



Вьетнам ҳукмрон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Жамоат хавфсизлиги вазири, армия генерали То Лам 2024 йил май ойидан бошлаб мамлакатнинг Президенти сифатида фаолият юритаётган эди. Август ойида Лам Вьетнам Коммунистик партиясининг бош котиби этиб сайланган. Шундай қилиб, у мамлакатдаги сиёсатчилар ҳокимиятида юқори лавозимни эгаллади ва президентлик лавозимини тарк этган.

67 ёшли Лионг Куонгнинг сайланишини мажлисда иштирок этган барча 440 нафар қонун чиқарувчи қўллаб-қувватлаган. Куонг эса ҳар томонлама кенгайтирилган ташқи сиёсат олиб боришга ваъда берган.

**Интернет маълумотлари асосида**
**Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

# УЙҒОҚ ҚАЛБ СОҲИБИ

**Орамизда шундай инсонлар борки, қалби, меҳри, фикру хаёли Ватанига, киндик қони тўкилган она заминига пайваста бўлади. Бундай инсонлар доимо халқининг тинчлигию равнақини ўйлаб, унга қандай қилиб бўлса ҳам хизмат қиладиган яхшиликни кўзлаб туну кун ёнадилар.**

**Ана шундай гўзал фазилатли инсонлар қаторида биз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Денов туман Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари, устоз Тоштемир Турдиевнинг алоҳида ўрни борлигини айтмасдан ўтолмаймиз.**



Оташқалб, халқпарвар инсон Тоштемир Турдиев нафақат Сурхон ўлкасининг Денов туманида, балки бутун ўзбек халқи орасида ўзининг жонкуярлиги, ватанпарварлиги ва миллатига бўлган чексиз ҳурмати билан азиз бўлган шахсдир. Тоштемир Турдиев томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва у кишининг қаламига мансуб китоблар билан яқиндан танишган киши адибни нафақат етук ёзувчи, балки ҳассос тарих билимдони сифатида кашф этади.

Ташаббускор, изланишдан чарчамайдиган устоз фаолияти давомида бетакрор шоира Раъно Узоқованинг қўлёзма шаклидаги шеърларини жамлаб, “Субҳидам қалдирғочи”, “Талпин, юрак” номли шеърий тўпламларини чоп эттирди. Кўп ўтмай шоиранинг “Сайланма”си ҳам устознинг меҳнатлари натижаси ўлароқ дунё юзини кўрди. Бир сўз билан айтганда, Раъно Узоқованинг адабиёт оламидаги ўрни Тоштемир Турдиев заҳматлари билан янада мустаҳкамланди.

Раъно Узоқованинг “Қаҳрамон” номли шеърида айтилганидек:

*Қайси дилда бўлса шердек жасорат,*
*У кўрсатар курашларда маҳорат.*
*У мақталар тилларда ва элларда,*
*У сақланар ҳамиша кўнгилларда.*

2000 йилда юртимизда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Ушбу байрамга муносиб туҳфа сифатида Тоштемир Турдиев “Алпомиш” достонини Хушбоқ бахшидан ёзиб олиб, 10 минг нусхада чоп эттирди. Йиллар силсиласидан ўтиб, халқимиз қон-қонига куй бўлиб сингган, миллатимизнинг сара достони бўлмиш ушбу хазинанинг илк бора Сурхондарё вариантининг китоб ҳолатида чоп этилишида устозимизнинг жонкуярлиги, закийлик баробарида аждодларимиз меросини келажак авлодга етказувчи, давомчиси, “йўлчи юлдузи” бўла олаётганлигидан сўзласак арзийди.

Бундай илмпарвар, фидойи инсонларнинг орамизда борлиги эса биз, шогирдлар қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради. 2010 йилда устоз Тоштемир Турдиевнинг ташаббуслари билан “Денов тафаккур чароғлари” номли китоб “Университет” нашриёти томонидан чоп этилган навбатдаги альманах тўплами бўлган. Шу аснода 2015 йил “Чағониён тараннуми” номли баёз “Мусиқа” нашриёти томонидан чоп этилиб, ўз китобхонлари қўлига етиб борди. Мазкур китоб Сурхондарё ёшларига, хусусан, Денов, Сариосиё, Узун туманлари ижодкорлари ижодидан йиғиб нашрга тайёрлаб берилгани мақтовга лойиқ эди. Бу каби баёзлар қатида ўз иштирокининг завқини туйиш аксарият ижодкорлар руҳиятига қувонч бериш баробарида имконият ва кўмак ҳамда руҳият бахш этишнинг навбатдаги гўзал кўриниши эди, маҳсули эди.

Миллат равнақи, бугуни, эртаси онгу шуурини бир зум тарк этмаган адиб 2010 йилда “Сурхондарё халқ қўшиқлари” номли китобини кенг оммага тақдим этган эди. Мазкур китоб халқимизнинг этник маданияти, урф-одатлари, куй-қўшиқларини ўзида мужассам этган.

Изланишдан тўхтамаган, янгилик яратишдан толмаган адиб 2012 йилда “Денов қасидаси” номли китобини чоп эттирди. Ушбу китобда Сурхон ўлкасининг сўлим масканларидан бўлмиш Денов туманининг тарихига, маданиятига урғу берилган.

Асарда Деновнинг муқаддас қадамжоларидан бўлмиш Саид оталиқ мадрасасининг улуғланиши, Нақшбандия тариқатининг толмас тарғиботчиси Хожа Алоуддин Аттор ҳазратларининг Бухорою шарифдан келиб, умрининг сўнгги йилларини Деновда ўтказганликлари ҳақида ибратли далиллар, ҳикоятлар келтирилиши муаллифнинг зийрак тарихшунос эканлигидан далолат беради.

Хожа Алоуддин Аттор ҳазратларига устознинг саъй-ҳаракатлари билан мақбара бунёд этилганлиги ҳам у кишининг қанчалик мозийга ҳурмати баланд эканлигидан далолат. Асарда келтирилганидек, машҳур “Шоҳнома” асарини бошлаб берган ва унга тамал тошини қўйган буюк Дақиқий ҳам айнан шу ўлкада яшаб ижод қилганлиги беихтиёр ҳар бир деновлик инсон қалбига фахр туйғусини жўш урдирса, ажаб эмас.

Дарҳақиқат, қарийб 3,5 минг йиллик тарихга эга Денов не-не фозил инсонларга бешик бўлган ва қанчадан-қанча тарихшунос олимларнинг қизиқишига сабаб бўлган улуғ заминдир.

Инсон борки, ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган Ватанининг тарихини билгиси, унга муносиб фарзанд бўлгиси келади. “Қуёш ардоғидаги юрт” китоби – муаллифнинг Ватан муҳаббатига йўғрилган туйғулар ифодасидир.

Кишининг кўнгли қанчалик тоза бўлса, атрофолам ҳам унга шунчалик гўзал қиёфада намоён бўлади. Тоштемир Турдиев одамлар қалбидаги эзгуликни кўра билгувчи, қалбларга зиё улашгувчи сеҳрли қалам соҳиби.

Тоштемир аканинг “Менга худо қанот берганидаям фақат Деновим устида учиб юрсам керак” деган фикрлари у кишининг ватанпарварлигига асл далил десак хато бўлмас. Айнан шу китобда яна Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг айни устозни “Тош” ва “Темир”га қиёслаб, “Тош” ҳам, “темир” ҳам мангу ҳақиқатга дахлдор унсурлардан. Улар аввали бор бўлиб охири бўлмаган, охири бор бўлиб аввали бўлмаган моддий унсур тимсоли. Мен Денов ҳамда Денов аҳли қувонганда бирга қувониб, йиғлаганда уларга қўшилиб бирга йиғлайдиган жонжигар, биродарим Тоштемир Турдиевга “тош” билан “темир”нинг мустаҳкам табиати ва уларнинг умрини тилайман” дейди.

Яна бир гап: Тоштемир Турдиев ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ва бошқа нуфузли орден ва медаллар билан тақдирланган. Лекин у киши ҳамиша “Маънавият фидойиси” кўкрак нишонини тақиб юради. Сабаби ўзини маънавият соҳасисиз тасаввур қила олмайди. Маънавиятга хизмат қилишдан ортиқ бахт йўқ, деб билади ўзини.

Доимо омон бўлинг, фидойи устоз!

**Замира РАЖАБОВА,**
**шоира.**

ТАКЛИФ

**Юртимизда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллиги “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!” шиори остида қизғин нишонланди. Байрам кунлари мусаффо осмонимизда Қуёш порлаб турди, у ишлади. Пойтахтимизнинг марказидаги Анҳор шарқираб оқди, у ишлади. Шифокор қайсидир беморнинг дардига малҳам бўлди, у ишлади. Тинчлигимизни асраш учун соқчи чегарамизда сергак турди, у ҳам ишлади. Шоир ҳар кунгидай ижод қилишга чоғланди. Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов таъкидлаганидай, илҳом келган пайтда шеър ёзиш ўрнига унинг ёзилиши ҳақида ўйлаб бўлмайди. Яъни, илҳом келган пайтда ижод маҳсулини яратишга киришиш лозим.**

# Кутубхона байрам кунлари ҳам ишласа...



Айнан Расул Ҳамзатовнинг 1962 йили рус тилида чиққан “Высокие звёзды” ва 1964 йили ўзбек тилида нашр этилган “Юксак юлдузлар” китобларини ёнма-ён қўйиб, таққослаб ўқишни истаб қолдим. Бунинг сабаблари бор: “Юксак юлдузлар” таржима китоби чиққанига роппа-роса 60 йил бўлди ва яқин кунларда шоирнинг таваллуд куни нишонланади. Бу нодир китоблар фақат Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида бор. Бироқ кутубхонага боришнинг фойдаси йўқ, ишламайди. Ўтган йили 2 сентябрь куни бошқа иш билан борганимда, кутубхона байрам кунлари ишламаслигини айтишган. Муҳими, кутубхонага бораётганимда ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетаётган қанча китобхонларни кўрдим. Ўзим ҳам қайтаётганимда келаётганларни кутубхона ишламаётгани тўғрисида огоҳлантирдим. Китобхонлар ажабланишди. Ўшанда юртдошларимиз учун китоб ўқиш кундалик эҳтиёжга айланиб бораётганидан хурсанд бўлдим. Барибир, умид билан кутубхона сари йўлга тушдим. Ишламаётган экан. Яна йўлда ноумид қайтаётган китобхонларни учратдим.

Дарҳақиқат, ғоялар бугун байрам куни экан, инсонларнинг миясига бегим кунлари кирарман демайди. Балки бу ғоя келажакда кашфиёт ёки янги ижод маҳсули бўлар. Ғоянинг тўғри-нотўғрилигини ўшанга боғлиқ китобларни ўқиш орқали билинади. Бундай нодир китоблар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасидагина бор. Ўзим қарийб эллик йилдан буён шу кутубхонадан фойдаланаётганим учун ишлар сменали ташкил этилишини биламан. Шу боис байрам кунлари кутубхонанинг ўқув заллари соат 10 дан 18 гача фаолият кўрсатса, айни муддао бўларди. Ахир китоблар байрам кунларида ҳам эҳтиёжмандларга Қуёшдай зиёсини таратиши, дарёдай обиҳаётини улашиши, шифокордай қалбларга малҳам бўлиши ва уларнинг маънавий дунёсини бойитиши керак.

Албатта, кутубхона хизматчилари ҳам бошқалар каби дам олишлари, байрам кунларида шодиёна дамларни эмин-эркин ўтказишларига юз фоиз ҳақлидирлар. Лекин улар нур тараттувчи, маърифат ва маънавият улашувчи фидойи инсонлар. Эҳтимол, бизнинг бу таклифимизни ўйлаб кўришар, қандайдир имконият топишар деган фикрда ўз мулоҳазаларимизни баён этдик, холос.

**Асрор МЎМИН,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

## уларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни

**Айни пайтда Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти Экоҳаракат фаолияти орқали фуқароларимизга етказилмоқда.**

**Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ишларини қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборат бўлади.**

**Шу билан бирга Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда ривожлантириш мақсадида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқади.**



Экоҳаракат иштирокчилари ва ҳамкорларининг давлат органлари, жамоат тузилмалари томонидан мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси борасида масъулиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятларини мувофиқлаштиришга; жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликларини муайян экологик муаммоларни ҳал этишдаги самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтиради.

Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан изчил боришида Ўзбекистонда мавжуд бўлган бой табиий ресурслар муҳим омиллардан бири саналади. Мустақил тараққиётнинг илк кунлариданоқ улардан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлод учун соф атроф-муҳитни асраб-авайлаш йўлидан борилмоқда. Бу мамлакатимиз аҳолисининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардан биридир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон экологик ҳаракатининг (Экоҳаракат) ташкил этилганлиги бугунги куннинг қатъий талаби ҳисобланади. Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналтирилган ёндашув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини бирлаштиришга йўналтирилгандир.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлоди қулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларнинг барча мажмуини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини сўзсиз таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади.

Экоҳаракат “Соғлом муҳит — инсон саломатлиги” ғоясини ўзининг асосий шиори ҳисоблайди ва унинг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз олдига қуйидаги дастурий вазифаларни қўяди:

1) атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш;

2) атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш;

3) атроф-муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш;

4) аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш;

5) атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

6) атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш;

7) атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди, мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиш тизими босқичма-босқич ривожланмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳолининг реал даромадлари ва фаровонлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мутлақо ўзига хос бўлган таълим ва маориф, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва маданият тизимлари яратилди.

Президент фармони билан фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча янги ислоҳотлар назарда тутилмоқда. 2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар Фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида тўланадиган қуйидаги солиқ турлари бўйича белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилди:

— лойиҳага меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида жалб қилинган мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

— нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича тўланадиган ижтимоий солиқ.

Юқоридаги фармонга мувофиқ, ҳар йили вазирлик ва идоралар фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этади. Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилади.

Фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилади. Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкин.

Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгашлари) раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланади.


Ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланади ва унинг натижалари эълон қилинади.

Жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилади.

Жамоатчилик эътиборини экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суръатда ҳал этиш заруратига қаратган ҳолда, Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини она Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чақиради.

**Саидрасул САНГИНОВ,**
**Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари.**

## БУЮК ТУРКМАН ШОИРИ МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИГА




**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир ва таржимон Янгибой ҚЎЧҚОРОВ 1958 йили Беруний туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. "Кўкминорга қўнган қуш", "Бургутга бош эгмаган барс" романлари, "Қўнғиротнома", "Отажоннинг олтин сози" достонлари, атоқли шоира Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Ой теграсида юлдузлар", Расул Ҳамзатов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Доғистон донишманди. Дагестанский мудрец" китобларининг муаллифи. Нобель мукофоти лауреати Светлана Алексиевич қаламига мансуб "Урушнинг аёлга ёт қиёфаси" романи адиб таржимасида чоп этилган.**

**Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига жавобан ёзилган ушбу достондан қуйида парча эълон қилинмоқда. У муштарийларимизнинг буюк шоир ҳақидаги тасаввурини янада бойитади, деган умиддамиз.**

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ

# МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ

(Достон-монологдан парча)

Кундуз Қуёш, кечаси Ой,
Улуғ Юртга берар чирой,
Жаннат мисол гўзал бир жой,
Менинг юртим, менинг юртим.

Мавж уради икки уммон —
Баҳри Ҳазар, Баҳри Журжон,
Ўртасида чўл бепоён,
Менинг юртим, менинг юртим.

Бирига Сир, Аму қуяр,
Гургон, Атрек бирин суяр,
Бир-бирига жони куяр,
Менинг юртим, менинг юртим.

Баҳри Ҳазар — улкан уммон,
Бир ёнида улуғ Турон,
Бир ёни Эрон, Хуросон,
Менинг юртим, менинг юртим.

Мавж уради Орол денгиз,
Қуйилар қўш наҳр тенгсиз,
Нуҳдан қолган табаррук из,
Менинг юртим, менинг юртим.

Орасинда икки чўл бор,
Сариқамиш тахир кўл бор,
Яйловларда қанча эл бор,
Менинг юртим, менинг юртим.

Копеттоғдин эсар еллар,
Булут кўчиб, ёғар селлар,
Униб чиқар сулув гуллар,
Менинг юртим, менинг юртим.

Адирларда лола дуркун,
Кўз-кўз қилур алвон кўркин,
Қушлар учар эркин-эркин,
Менинг юртим, менинг юртим.

Тўлиб-тошиб оқар Гургон,
Атрек тўлқин урар равон,
Йўқдир тўсиқ, йўқдир тўғон,
Менинг юртим, менинг юртим.

Сумбар тиниқ, зилол дарё,
Чандир бирла эгиз гўё,
Табиат бу, эмас рўё,
Менинг юртим, менинг юртим.

Икки дарё, икки ирмоқ,
Суви ширин мисли қаймоқ,
Даврон сурар уруғ, аймоқ,
Менинг юртим, менинг юртим.

Дарё бўйи тиззадан ўт,
Ҳар бир кўкат барака, қут,
Маржон каби тизилган тут,
Менинг юртим, менинг юртим.

* * *

Ўз халқига қўлин берган,
Юрагининг тўрин берган,
Ҳарорату қўрин берган,
Менинг отам Озодийдур.

Умр берган хуш, сермаъно,
Яратганга айтган сано,
Ҳақдин хитоб олган доно,
Менинг отам Озодийдур.

Алқаб берган ҳар онини,
Кўзга сурган Қуръонини.
Бахт билган муслим шонини,
Менинг отам Озодийдур.

"Пайғамбарга дур, салавот,
У боис Иймон саломат!"
Деган миннатдор бир уммат,
Менинг отам Озодийдур.

Гўклан, човдур дилда борин,
Эрсари, ёвмут оҳ зорин,
Айтган текенинг қарорин,
Менинг отам Озодийдур.

Қул бўлган Қодир Худога,
Тенг бўлган шоҳу гадога,
Қулоқ тутган ҳақ садога,
Менинг отам Озодийдур.

Суйган юртнинг тупроғини,
Ҳар дарахт, ҳар япроғини,
Ҳар гиёҳ, ҳар янтоғини,
Менинг отам Озодийдур.

Қуръонни ёд олган бошдан,
Сабри қаттиқ тоғу тошдан,
Ҳеч қочмаган жанг, савашдан,
Менинг отам Озодийдур.

Ҳар сўзида бор тарози,
Туркманимни қилган рози,
Китобида сўзнинг сози,
Менинг отам Озодийдур.

Қўлларимга китоб берган,
Гўё парча офтоб берган,
"Элни сев!" деб хитоб берган,
Менинг отам Озодийдур.

* * *

Элнинг ранги сомон бўлди,
Халқ кўз ёши уммон бўлди,
Юрт сув топмай сарсон бўлди,
Бу қандайин замон бўлди?!

Гўклан моли арзон бўлди,
Теке оти талон бўлди,
Ёвмут, язир нолон бўлди,
Бу қандайин замон бўлди?!

Замин куйиб, осмон бўлди,
Боғлар қуриб, ёбон бўлди,
Ичганимиз ёвғон бўлди,
Бу қандайин замон бўлди?!

Нодиршоҳ бир тўфон бўлди,
Қирқ йил тинмай қирон бўлди,
Икки оғам хазон бўлди,
Бу қандайин замон бўлди?

* * *

Зарра шафқат қилмай бу дам,
Одам қонин тўкиб одам,
Бир қориндан тушган оғам
Абдуллоҳни ўлдирдилар.

Отам қаддин букди бу ғам,
Дарё бўлиб йиғлар онам,
Сочин юлар Зубайда ҳам,
Абдуллоҳни ўлдирдилар.

Кўзимга тор бўлди олам,
Ёмғир бўлиб ёғди алам,
Қўлларимда йиғлар қалам,
Абдуллоҳни ўлдирдилар.

* * *

Ота юртнинг эрки учун,
Она диёр кўрки учун,
Уни туққан халқи учун,
Шаҳид кетди Мамматсафо.

Элчи бўлиб кетган эди,
Кандаҳорга етган эди,
Шоҳга таъзим этган эди,
Шаҳид кетди Мамматсафо.

Туркманим тинч яшасин, деб,
Ҳалол ошин ошасин, деб,
Бирга қадам ташласин, деб,
Шаҳид кетди Мамматсафо.

Ишонгани сароб чиқди,
Обод гўша хароб чиқди,
Олдидан мўрт арбоб чиқди,
Шаҳид кетди Мамматсафо.

Аллоҳ олсин раҳматига,
Эшик очиб жаннатига,
Имзо чекиб сулҳ хатига,
Шаҳид кетди Мамматсафо.

* * *

Керак эмас оч халқимга,
Юпуну яланғоч халқимга,
Жонимиз келди ҳалқумга,
Уруш кимга керак, кимга?!

Қумурсқадек қирилар халқ,
Қақнус бўлиб тирилар халқ,
Елкага тўрва илар халқ,
Уруш кимга керак, кимга?!

Истайди тиғ савдогари,
Сотса ортиб тилло, зари,
Мўл бўларми ўлжалари,
Уруш кимга керак, кимга?!

Шоҳга янги ерлар учун,
Қўшинда ғўч эрлар учун,
Кераксмас фил, шерлар учун,
Уруш кимга керак, кимга?!

Насллар деб қаршидурмен,
Фасллар деб қаршидурмен,
Асрлар деб қаршидурмен,
Уруш кимга керак, кимга?!

Қирғинни қўй, буғдойинг эк,
Халқни ўйла бўлсанг бой, бек,
Шу қирғинга қўяйлик чек,
Уруш кимга керак, кимга?!

* * *



Йигирма бир ёшда чоғим,
Тик отамни қайғу йиқди,
Уч дарахтин йўйди боғим,
Бир уйдан уч тобут чиқди.

Оғир кунлар келди элга,
Вабо ўхшар худди селга,
Ўлат тарқаб ўнгу сўлга,
Бир уйдан уч тобут чиқди.

Онам йиғлар дарё бўлиб,
Ўбо қолди саҳро бўлиб,
Вомиқи йўқ Узро бўлиб,
Бир уйдан уч тобут чиқди.

Тинсин ушбу хавфли оқим,
Урушлар ҳам тўхтаб токим,
Аллоҳ бизга қилсин раҳм,
Бир уйдан уч тобут чиқди!

* * *

Мен — Фироғий Махтумқули,
Дилга олдим Ҳақдин буйруқ.
У — ҳаётнинг сўлмас гули,
Аёл улуғ, аёл улуғ.

Таъзимдамен ҳар бир оним,
Оқ сут берган онажоним,
Жондан яқин қадрдоним,
Аёл улуғ, аёл улуғ.

Ҳаёт — боғ, у — гўзал гулдир,
У опадир, у сингилдир,
Ҳурматинг шу сўзда билдир:
Аёл улуғ, аёл улуғ!

* * *

Бордир элга васиятим,
Авлодларга насиҳатим.
Бутун жаҳон тинч бўлсин деб
Ёзиб қўйинг пок ниятим:

— Қиличингни қилгин омоч,
Қара, шунча одамлар оч.
Қани дунё адолати,
Ким зар тўнда, ким яланғоч.

Не мақсадда ясайсан тўп,
Ўзинг бўлсанг битта мўрт чўп.
Кул бўлсинми шу Сайёра,
Шуни ўзга кўрдингми эп?

Кимга керак қирғин, талон,
Ҳар юрт бўлсин тинч, фаровон.
Сиёсат бир айёр тулки,
Алдовига бўлма қурбон.

Ҳар эл эркин, озод бўлсин,
Ҳар халқ бахтли, тинч, шод бўлсин.
Ҳамма яшаб бирдамликда,
Бутун олам обод бўлсин.

Мўртдир Жаҳон, Мўртдир Жаҳон,
Ёқсанг бўлиб қолгай Сайҳон.
Махтумқули, айтдим Сенга,
Тўхта Инсон, Тўхта Инсон!!!

## НАСР

Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ

# СЎНГГИ ПУШАЙМОН



Ҳикоя



Тебат текислиги бўйлаб уфққача туташиб кетган илон изи йўлдан кажавали мотоциклда Алимбой ғизиллаб пастга — қишлоққа томон борарди. Йўл нотекис ва ўнқир-чўнқир бўлганлиги боис тезликни ошириб бўлмасди. Қуёш ботишига ўн-ўн беш дақиқалар қолаётган пайт у Супратош деб аталадиган жойга яқинлашиб қолган эди. Шу пайт сайҳонликдан қирга томон ўрмалаб ўтлаб бораётган ўн беш-йигирма чоғли қўй-қўзига Алимбойнинг кўзи тушди. У мотоциклни қўйлар томон ҳайдаб, оралиқ масофа яқин қолганда тўхтади. Уловдан тушиб, чор-атрофга бир қур назар ташлади. Қишлоққача бир-бир ярим чақирим бор, атрофда одам зоти кўринмайди. У баландликка чиқиб бораётган қўйлар олдини ўраб сайҳонликка ҳайдади. Кела-кела чор-атрофга яна олазарак боқди. Яқин ўртада ҳеч кимса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўйлар орасидан қўнғир тусли семиз бир тўқлини ушлади. Ён чўнтагидан чилвир ипни олиб, тўқлининг оёқларини боғлади ва қўйни аравача юкхонасига жойлади. Жўнаш олдидан атрофни тағин кузатди. Алимбой қишлоққа оралаганда, энди қоронғи туша бошлаганди. Мотоцикль товушини эшитган ўн икки-ўн уч яшар ўғли дарвозани ланг очиб қўйди. Алимбой мотоциклни одатдагидай уй айвонига тўхтатмай, тўғри қўра томон ҳайдади. Салим дарвозани ёпиб, отаси томон бораётган эди, Алимбой ўғлини чалғитди. Шимининг чўнтагидан бир сўмлик чиқариб:

— Ўғлим, носим тугабди, манави пулга Карим носфурушникидан тез нос олиб келгин, — деди.

— Хўп, ота, ҳозир обкеламан, — дея ўғил чопқиллаб кетди.

Ўғли дарвозадан чиқиб кетиши билан Алимбой юкхонадан қўйни чиқариб, қўрасидаги қўйларига қўшиб юборди. Кейин мотоциклни етаклаб, уй айвонига қўйди. Уст-бошини қоқди. Хотини Хадича офтоба келтириб, қўлига сув қуйди. Қизчаси сочиқ олиб чиқиб унга узатди. Алимбой артиниб хонага кирган пайт Салим нос келтириб берди. Ўртага дастурхон ёзилиши билан Хадича гап бошлади:

— Аммалар қандай, соғ-омон юришибдимикан?

— Ҳаммаси тузук, салом айтиб қолишди, — деди Алимбой пиёлага чой сузаётиб.

— Аммамнинг ўғлини олиб келмадингизми? — деди Салим бироздан сўнг.

— Ўн-ўн беш кундан кейин келармиш, — деди ота чайналиб.

Дастурхон йиғиштирилиб, болалар дарс тайёрлашга киришди. Соат кечаси ўн яримдан ўтиб, хонадаги лампочка лип этиб ўчди. Хадича зорлана-зорлана фонар ёқиб, жой солди. Болалар ухлаб қолиши билан Алимбой Хадичани эргаштириб айвонга чиқди.

— Ҳа, отаси, бирон гапингиз борми?

— Ортимдан юр, — у шундай деб қўлида мол сўядиган пичоқ билан қўра томон борарди. Хадича унга эргашди. Йўл-йўлакай Алимбой унга шипшиди:

— Хотин, йўлда келаётувдим, манави тўқли адашиб юрган экан, олдимдан чиқиб қолди. Яқин ўртада бирон зоғ йўқ экан, кечаси қолиб кетса, бирон-бир бўри-пўрига ем бўлиб кетмасин деб, ушлаб мотоциклга ортиб келавердим.

— Нима қиламиз энди?

— Сўямиз, хотин, сўямиз.

— Уч-тўрт кун қўйлар орасида турса, эгаси сўроқлаб кеп қолармиди? — деди аёли соддадиллик билан.

— Хотин, бу тўқли қайси бир чўпоннинг сурувидан адашиб қолган. Чўпонларга бир тўқли чўт эмас, излаб келмайди ҳам.

— Сўйиб юборсангиз, бу ёғи қандоқ бўлар экан, отаси?

— Ўғирлаб келдимми, бундай чўчийсан? Ундан кўра белни олиб кел, — чўрт кесиб гапирди Алимбой.

Хадича бел топиб келтирди. Алимбой чуқур қазиб, тўқлининг оёқларини боғлаб ётқизди ва бўғзига пичоқ тортди. Ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас тўқлини терилаб, гўштини қовуриш учун майдалаб тўғради. Хадича ўчоққа қозон осиб, олов ёқиб юборди. Тун ярмидан оққанда тўқлининг гўшти қовурилиб, катта-кичик идишларга жойланди. Эрталаб дастурхонга қовурдоқ қўйилган эди, Салим сўраб қолди:

— Эна, гўштни ким келтирди?

— Амманг юборган экан, кеча ёдимдан кўтарилиб, қўймабман, энди қўйяпман, ўғлим.

Орадан икки кун ўтиб, Алимбойнинг қалин дўсти Шодмонбой келиб қолди. Алимбой дўстини яхши сийлаб кузатди. Дастурхонга битта яримта билан бир лаган қовурдоқ тортилди.

Икки дўст шишани бўшатишди. Шодмон дабдурустдан айтиб қолди:

— Ошна, бундан уч кун олдин бизнинг қўнғир тусли тўқли қўйлар орасидан йўқолиб қолди. Тўқли этлироқ эди. Билсам-билмасам, қўйлар орасидан кимдир тўқлини ушлаб олиб кетган. Бўлмаса, қўйлардан ажралиб қолмасди, жонивор, — деди.

— Хадича, қўйларинг орасига бирон... бегона қўй келиб қўшилгани йўқми? — сўради Шодмон қовурдоқ устидан аччиқ кўк чой ичаётиб.

— Қўйимиз орасида бегона қўй йўқ, ака.

— Хўп, бўлмаса, унда мен кетдим.

Меҳмонни кузатиб қайтган Алимбойнинг аёли яниди:

— Отаси, сизга айтувдим-а, тўқлини сўймайлик деб. Дўстингиз айтган тўқли шу биз сўйган қўйнинг ўзи. Энди нима қиламиз?

— Хотин, бўлар иш бўлди. Ўзи ҳам тўқлининг гўштидан тотди-ку.

— Охиратда нима деймиз?

— Қўй, кўп ҳам ваҳима қилаверма. Охиратгача гап кўп, — деди Алимбой пинагини бузмай. Сўнг қўшиб қўйди. — Энди тилингга эрк берма, болалар сезмасин тағин.

— Бундан хотиржам бўлинг.

* * *

Орадан йиллар оқар сувдек оқиб ўтиб кетди. Алимбой ўсал бўлиб ётиб қолган эди. Ўғиллари шифохонама-шифохона олиб юриб дўхтирларга кўп кўрсатди.

Хадича кампир эрининг ранг-рўйига қарай-қарай, ўзи ҳам соғлиғини йўқота бошлади. Охири бир кун Алимбойга ёрилди:

— Бундан ўттиз йиллар олдин катта гуноҳ қилиб эдингиз. Ўшанда тўқлини сўйманг, охиратда ёмон бўлади дедим-а? Гапимга кирмай, қўйни сўйиб юбордингиз. Энди буйтиб...


Кампирининг гапидан сўнг Алимбой сўл ёнбошидан ўнг ёнбошига ўгирилиб, чуқур иҳранди ва синиқ, ингичка овозда минғирлади:

— Шунга мен ҳам пушаймонман. Билсанг, мана бу жойимдаги оғриқ менга азоб бераяпти, — у шундай деб кўксини кўрсатди. — Бу виждон қийноғи, кампир, — деди Алимбойнинг кўзлари ёшга тўлиб.

Бу унинг охирги азобли сўзи эди...

ЭССЕ

# АСРНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ИНСОН



**Агар юз йиллик чинорнинг салобатини кўрсак, албатта, ҳаяжонга тушамиз. Юз йиллик қайрағочнинг бўй-басти ҳам одамни ҳайратга солади.**

**Айтишларича, юз йиллик гужумнинг сояси қалин ва жуда салқин бўлар экан. Юз ёшни кўрган арча эса янада кўркам ва чиройли бўлади.**

**Юз ёшга кирган инсоннинг муборак номини эшитишнинг ўзиёқ кишини ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Дарҳол қўлларимизни очиб, Аллоҳдан бизни ҳам шундай табаррук ёшга етказишини ният қиламиз. Иложи борича, аср билан ҳамнафас бўлган бундай табаррук инсонларни тезроқ кўришга, зиёрат қилишга ошиқамиз, дуо олишни дилимизга тугамиз.**

Камина ҳам ўтган йили “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”да Президентимизнинг Фармонига мувофиқ юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Косон туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг юз ёшни қаршилаётган ўқитувчиси Эгамшукур бобо Абдиевнинг “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланганини эшитиб, гапнинг рости, чинакам ҳайратга тушганман, бу отахон билан учрашишни астойдил ният қилгандим. Ўша кунлари хизмат юзасидан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйига боргонимда, нашриёт бош муҳаррири, истеъдодли ижодкор укамиз Ҳабиб Абдуназар билан кўришиб қолдим. У ҳам косонлик бўлгани учун юз ёш остонасида турган ўқитувчи бобо ҳақида гап очиб, “танийсизми?” дедим. Ҳабибжон чиройли кулиб, ғурур билан шундай деди:

— У киши отам бўладилар!

Бу жавобни эшитиб, отахонни зиёрат қилиш иштиёқи яна кучайди.

Худойимнинг марҳаматини кўрингки, орадан бир йил ўтиб, ана шу ният амалга ошди.

Асрни ҳайратга солиб келаётган бу серғайрат, фаришталарни инсон билан у киши яшайдиган — Косон тумани, “Сурхон” қишлоқ фуқаролар йиғини, “Само” кўчасидаги 34-уйда учрашдик. Бизни бу табаррук хонадонга отахоннинг яна бир истеъдодли шоир ўғли Ғулом Абдиев бошлаб келди. Ғулом Эгамшукур номи билан талай китоблари, шеърлари чоп этилган бу ижодкор айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими бошлиғи.

Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган отахон билан бағирлашиб кўришдик.

* * *

Эгамшукур бобонинг хотираси теран ва тиниқ. Қизиқ воқеалар ва анча-мунча азоб-уқубатларда кечган болалигини, оғир бўлган ўсмирлик даврларини яхши эслайди. Шошмасдан гапиради.

Эгамшукур Абдиев 1926 йил 5 февралда Тожикистон Республикасининг Кўлоб туманида туғилган.

— Тожикистон томонларга бориб қолишимизга Бегимқулбой бобом сабаб бўлган. У киши ўша даврларнинг катта бойларидан бўлиб, қулоқ қилинган. Тоғма-тоғ кўчиб юрардик. Ҳукумат у кишининг ўн минг қўйини олиб қўйган. Бу ҳам етмагандек, аммамни Косоннинг Пўлоти қишлоғига келиб тўй қилганида бобомизни яна ушлашган. Айтишларича, қўни-қўшнилардан айримлари бобомнинг тилласи, кумуш тангалари борлигини шўро одамларига сотган. У кишини қамашади. Лекин бобом тилланинг жойини айтмаган. Кўп қийнашган. Орага қишлоқ мулласини қўйиб, агар тиллани бермаса, кўз олдида онасини отамиз, деб қўрқитишган. Бобом уларга олти хум тилла, уч хум кумуш танганинг кўмилган жойини айтган. Бу ғаламислик етмаганидек, шўро одамлари аппарат олиб келиб, текширганларида, яна бир хум тилла чиққан. Шу билан бобом адои тамом бўлган. Ота-боболаридан қолган катта мерос — бойликларини қўшқўллаб большавойларга топшириб юборган...

Эгамшукур бобо оғир хўрсиниб, хонтахта устига ёзилган гулли дастурхоннинг зийини бармоқлари орасига олиб, оҳиста силайди. Яна хаёлларга ғарқ бўлади. Хаёл ленталарида намоён бўлаётган воқеалар эса бир асрлик умрнинг яхши-ёмон лаҳзаларига, йилларнинг нурли ва нурсиз тўзонларига қоришиб кетади.

Бобоси Сибирга сургун бўлди. Отаси Абдуназар оиласи билан Тожикистондан Сурхондарёнинг Денов туманидаги Юрчи қишлоғига келиб жойлашди. Айнан шу ҳудудда ташкил этилган ўша вақтдаги “Шарқ ҳақиқати” колхозини тузишда фаол қатнашди.

* * *

Эгамшукур бобо 1955-57 йиллари Термиз шаҳрида ташкил этилган Ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқийди. Сўнгра яна шижоат билан ўқишни давом эттириб, 1958-1961 йилларда Бухоро педагогика институтининг физика-математика факультетида таҳсил олди.

1962 йилда кўпчилик оилалар қаторида улар ҳам Шеробод чўлларини ўзлаштириш учун кўчирилади.

Яна бир машаққатли, оғир кунлар, йиллар бошланади. Лекин Эгамшукур Абдиев енг шимариб ишга киришди. 1963 йил ушбу хўжаликда Мирзо Улуғбек номидаги 7 йиллик мактабни ташкил этишда ўзи бош-қош бўлиб, шахсий ташаббус кўрсатади. Дастлаб ертўла шаклида ўз фаолиятини бошлаган ушбу мактаб кейинчалик янгидан замонавий тарзда қурилади.

— Ертўлада дарс ўтиш осон бўлмагандир, — бобони яна саволга тутаман.

— Ертўла қуёш томонга қаратиб, ёруғлик кўп тушадиган қилиб қурилганди. Фақат бизга чўл шамоли кўп халақит берарди. Ўшанда мен хонаси йўқ мактаб директори эдим. Хўжалик катталарига ўхшаб, битта шляпа сотиб олдим. Лекин шляпа билан ертўлага кириб бўлмасди. Шляпага ўрганмаган амалдорлар шамол учириб кетмасин, деб қўлида ушлаб юрарди. Бир куни қаттиқ шамол туриб, шляпамни учириб кетди. Бир зумда чанг-тўзон ичида йўқолди. Қайтиб шляпа киймадим...

Шундай қилиб, тиниб-тинчимас, фидойи педагог Эгамшукур Абдиевнинг жиддий хатти-ҳаракати, елиб-югуриши билан 1969 йилда хўжаликда янги 400 ўринли икки қаватли 2-ўрта таълим мактаби бунёд этилди. Устоз ушбу мактабда 23 йил директорлик вазифасида қизғин ва самарали фаолият юритди. Кўплаб шогирдларни тарбиялади, уларга илму фандан сабоқлар берди. Мактаб илғор таълим муассасасига айланди.

Шу билан Эгамшукур бобонинг янги мактабларни бунёд этиш иштиёқи тўхтамади. Ёшларга илм ўргатишга бўлган юрак ғужури сўнмади.

Биз шўро даврида “қалб амри” деган сўзни кўп ишлатар эдик. Машҳур давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов фидойи инсонларга бағишланган сўнгги асарларидан бирини “Қалб амри” деб номлагани бежиз эмас эди. Чунки ўша вақтларда чўлу даштларни ўзлаштириш, қақраган биёбонларга сув олиб чиқиш, мактаблар, тиббий муассасалар қуриш ҳақиқий жасорат ва матонат намунаси эди. 1985-86 йилларда Қарши чўлларини ўзлаштириш даъватига қалб амри билан қўшилган Эгамшукур Абдиев қариндош-уруғлари билан Косон туманидаги Сурхон қишлоғига кўчиб келди. Келди-ю, айнан шу массивда, қийин шароитларда ҳам ҳозирги 24-умумий ўрта таълим мактабини қуриш ва ташкил этишда ўзи бош-қош бўлди, ташаббус кўрсатди. Жадид боболаримизнинг мактаб бунёд этишдек шарафли ишларини давом эттириб, 1985 йилдан буён ўзи бош бўлиб бунёд этилган ушбу мактабда ўқувчиларга физика-математика фанидан дарс бериб келаётир.

— Нега айнан математика фанини танлагансиз? — деб сўраймиз гап орасида.

— Аслида, адабиётга жуда қизиқар эдим. Бир вақтлар шеърлар ҳам машқ қилганман. Лекин шоир бўлишга иштиёқ орзулигича қолиб кетмади. Икки ўғлим — Ғулом ва Ҳабиб эл таниган ижодкорлар бўлиб етишди. Уларнинг ёзганларини маза қилиб ўқийман. Энди сизнинг саволингизга жавоб бераман, — дея бобо давом этади: — Деновдан аввал Қаршига, кейин Косонга қайтиб келдик. Бешинчи синфга ўқишга кириб, мактабни қайта давом эттирдим. Мактабга борсам, Шукур Шерматов деган математика ўқитувчиси бор экан. Жуда қаттиққўл, яхши ўқимаган ўқувчиларни урар экан. Кўз олдимда дарс қилмай келган бир-икки болани роса дўппослади. Математика муаллимдан қўрққанимдан яхши ўқий бошладим. Ичимда мени урмаса бўлди, деб қалтираб ўтирардим. Уч баҳодан тўртга ўтдим. Аста-аста беш ола бошладим. Тўғриси, ўзим математикани унчалик ёқтирмасдим. Лекин ўқитувчимнинг қаҳридан қўрқиб, математика муаллими бўлиб кетдим...

— Кечирасиз, ҳозир мактабларда ўқувчини урган ўқитувчи жазоланяпти. Нима деб ўйлайсиз: бу йўл тўғрими ё ўқувчи устозидан қўрқиши керакми?

— Йўқ, ўқувчи ҳеч кимдан қўрқмаслиги керак. Уриб, бақир-чақир қилиб, қўрқув билан ўқиган боланинг руҳи озор чекади, ўзи қўрқоқ бўлиб қолади. Лекин ўқувчи ўқитувчисидан қандайдир ҳайиқиб, унинг устози эканлигини ҳис этиб туриши керак. Ўқитувчи ўқувчисига ўзининг фарзандидай муносабатда бўлиши лозим деб ўйлайман. Одамни меҳр тарбиялайди, меҳр улғайтиради. Бу ҳақда улуғ шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Меҳр” деб номланган ибратли тўртлиги бор:

***Бир бола чинқириб йиғларди чунон,***
***Уни юпатолмай кўпчилик гирён.***
***У қайсар ҳеч кимга қулоқ солмади,***
***Бошин силашганда — тинчиди шу он.***

Ўз педагоглик фаолиятимда, тарбияда бу ажойиб шеърга кўп мурожаат қилиб келаман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни, шогирдларимни ҳамиша меҳрли ва меҳрибон бўлишга чақириб, дуо қиламан. Билиб қўйиш керакки, барча тарбия меҳрдан бошланади.

* * *

Эгамшукур бобо билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Бу улуғ ёшли инсоннинг ҳикояларини тинглаб, бир жиҳатдан у кишининг узоқ умр кўриб келаётгани сирларини англагандек бўлдим. Бобо қанча қийинчиликлар, азобларни кўрган бўлса-да, лекин сира нолиб гапирмади. Шунда машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг: “Ҳаётда нолиб бўлмайди, унда яшаш керак”, деган ҳикмати ёдимга тушди. Эгамшукур бобо ҳам ҳаётда қандай яшаш кераклигидан каттаю кичикка бебаҳо сабоқлар бериб келяпти.

Кутилмаганда бобонинг кўзлари порлаб, овози янада дадиллашиб, суҳбат жиловини қўлга олдилар:

— Мендан одамлар узоқ умр кўришимнинг сирларини сўрайди. Сирини билмайман. Аллоҳим билади. Эсимни таниганимдан буён одамларга яхшилик қилдим, фақат дуо олдим. Ҳамиша азиз авлиёларни зиёрат қилдим. Эҳтимол, умрим шулар туфайли узайгандир, — бобо бир лаҳза тўхтади, сўнг ўша оҳангда давом этди: — Биласизми, ука, мен эсимни таниганимдан буён Яратгандан халқимизнинг озодлигини ҳамиша сўраб яшадим. Шунча қийинчиликларни кўрган, азоб-уқубатларни тортиб келаётган халқимиз озод бўлармикин, деб илтижолар қилиб яшадим. Аллоҳга беҳад шукрлар бўлсинки, менга Ватаним озод ва мустақил бўлганини кўриш насиб этди. Бу улуғ неъматнинг қадрига етишимиз керак. Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ислоҳотларда бизнинг армонларимиз ва орзу-истакларимиз амалга ошаётганини кўриб, хурсанд бўламан, шукрона қиламан. Айниқса, таълимга берилаётган эътибор, ўқитувчиларга яратилаётган янги-янги имтиёзларни кўриб, ғайратим жўшиб кетади. Ҳамкасбларимни янада фаол ва фидойи бўлишга даъват этаман... Ўзим эса уларга ўрнак бўлишга интиламан...

Яхши ният билан ҳали давоми ёзиладиган ушбу эсседа Эгамшукур бобонинг ўғли, таниқли шоир Ғулом Эгамшукурнинг падари бузрукворига бағишланган қуйидаги мисраларини келтирсак ўринли бўлар:

***Ҳузуримга ошиқиб келган —***
***Субҳи саболардан,***
***Хуш наволардан,***
***Тунлар бедор туриб ютган***
***Оҳимдан,***
***Битилмаган дил баётимдан***
***Ҳайкал қўйдим Сизга мен,***
***Ота!***
***Аллоҳнинг пойидан,***
***Юрагим лойидан,***
***Адолат боғидан,***
***Иймон тоғидан,***
***Муҳаббат номидан —***
***Ҳайкал қўйдим Сизга мен,***
***Ота!..***

...Қаранг, Косоннинг равон йўлларида мустақил Ўзбекистоннинг илк машиналаридан бўлган кул рангли “Тико” оҳиста елади. Машина рулида юз ёшни қаршилаётган Эгамшукур бобо Абдиев жонажон ва қадрдон мактабига — азиз ўқувчиларига дарс беришга меҳр-муҳаббат билан ошиқади.

Шогирдлари ҳузурига шошаётган, бир асрни қаршилаган муаллимнинг умр йўллари ҳамиша ойдин, ёруғ ва нурларга тўлиб-тошиб бораверсин!..

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

СОЧМАЛАР

# КЎЗ ХАЁЛЛАРИ



**Куз, нега сенинг хазонрезга тўла боғларингни яхши кўраман экан?.. Сен қалбимга ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ бахш этганинггами ё?.. Кузнинг майин эпкинли шамоллари оқ оралаган сочларимни тўзғитиб, юзларимни сийпалаб ўтди. Гўёки Бойсунтоғ томонлардан онамнинг саломини етказаётгандек. Энди эса: “Эҳ, шўрпешона йигит, энди онанг йўқ! Мана, биз ҳидини олиб келдик”, дегандек туюлади менга. Юрагим маъюс тортади. Хуш келдинг, дейишга зўрға тилим боради.**

*Туғилган гўшам Бойсунга кундалик ва бошқа турмуш ташвишлари, иш баҳона боролмаяпман. Чамаси бир йилдан кўпроқ бўлди. Шу вақт ичида не-не азиз инсонлар, маҳалладошлар бу дунёни тарк этишди (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин). Онамнинг вафот этганларига ҳам ўн йил бўлди. Худди мана шу октябрь ойида бу оламни тарк этгандилар. Волидамнинг қабри мени кутиб-кутиб мунғайиб қолгандек. “Эҳ, болам-а, мен яхши кўрадиган невараларим ва келинимни олиб келмадинг-а!” — дея ўксинаётгандир онам.*

*Сершовқин шаҳар, оёғимни қўйвор, турмуш ташвишлари, туғилган маконим — Бойсунимни соғиндим. Хаёллар, хаёллар узоқ-узоқларга етаклаб кетаверади. Гоҳ тоғ ошаман, гоҳ чўлда ёлғиз кезинаман. Бетизгин хаёллар ичида тонг отганини ҳам сезмай қолибман. Хаёл ширин дамларни ёдга солади, аччиқ онларни етаклаб келади, кўксимни алам тирнайди...*

*Онагинам, наҳот энди сиз йўқсиз, энди ёлғизманми мен?.. Ўтган йиллар бағримдан сизнинг иссиқ тафтингизни олиб кетолмади. Қаерда бўлсам, қалбимда, шууримда бўлдингиз. Аллоҳнинг инояти билан, икки йил илгари Каъбани зиёрат қилиш насиб этди. Ўша жойда ҳам кўз олдимда намоён бўлдингиз. Ҳақингизга кўп-кўп дуолар қилдим. Дунёнинг энг муқаддас жойида қалбида иймони бор одам ўзини унутиб, бутунлай бошқа инсонга айланиб кетаркансан. Бу дунёга нима учун келганингни, нима учун яшаётганингни янада яққолроқ, янада ёркинроқ ҳис этаркансан киши. Аллоҳга янада яқинроқ бўларкансан. Бу оламда омонат эканлигингни, кимларгадир фақат яхшилик қилиш кераклигини ич-ичингдан ҳис этасан. Бошқача бир инсон бўлиб қайта туғилгандай бўласан. Ҳаёт ташвишлари, турмуш ташвишлари — бариси ўткинчилигини теранроқ англайсан. Бироқ не бўлса-да, инсон то тирик экан, ҳаётга интилиб яшайди. Ёруғ келажакка ишонади, ундан умид қилади. Кузнинг хаёллари мени ана шундай олис-олисларга етаклайди.*

*Кузда туғилганман. Куз — хазонрезги фасл. Бу фасл менга илҳом беради, ўй-хаёлларга толдиради. Хазонрезги боғларни кезгим келаверади. Бунинг завқи ўзгача-да. Оёғинг остидаги хазонларнинг шитир-шитири, ариқлардаги сувларнинг фаслга монанд сокин жилдираб оқиши киши қалбига ажиб бир туйғу бахш этади. Сен эса азиз умрингдан яна бир йил ўтганини сезиб, куз каби оғирлашасан. Ёшинг улғайган сари ҳаётда эришганинг кўкаламласа, эришмаганинг хазон баргидек тўкилади.*

*Тизгинсиз хаёллар безовта қилаверади. Хаёллар — чексизлик. Хазонрезги куз онамнинг қабри устига яна ҳар йилгидек ўз барглагини ташлайди. Кузак ёмғирлари ўзининг майин ва эпкин шабадаси билан онамнинг қабрини сийпалайди. Булар ўксик қалбимга бироз таскин берса-да, юрагимга малҳам бўлолмайди.*

*Илгарилари кап-катта йигит бўлиб қолган ўғлим онасининг тизасига бошини қўйганча худди ёш боладек эркаланишларидан энсам қотарди. Ҳозир эса унга ҳавасим келади. Унинг ўрнида бўлиб қолиш учун бор-будимни беришга тайёрман. Баъзан она соғинчидан юрак-бағрим тўлиб кетади. Шундай кезларда: “Онангизнинг бағрига отилинг, эй яхши инсонлар, болажонлар!” деб ҳайқиргим келади.*

*Эҳ, менинг хаёлларимни тўзғитиб, юрагимни тилка-пора қилган хазонрезги куз! Яна кулбам сари келдингми?! Яна эслатдингми болалигимни, онамни?! Яна дардлашаман сен билан... Сени яхши кўраман. Сен билан кўп бора дардлашгим, сирлашгим келади. Эй, менинг қалбимни тирнаган куз эпкинлари! Гўзал ва обод юртимга яна бир бор хуш келдинг!*

**Иззат АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**



**Муаллиф ҳақида:**

Иззат АҲМЕДОВ — 1959 йили Бойсун туманида туғилган. 1987 йил Тошкент давлат университети филология факультетини тугатган. Матбуот соҳасида иш фаолиятини 1984 йилдан бошлаган. Бир қанча газета ва журналларда масъул вазифаларда ишлаган. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида етакчи муҳаррир лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида адибнинг “Буюклар муҳаббати”, “Илоҳий муҳаббат”, “Дунё маликалари”, “Монте Кристонинг сирли хазинаси”, “Харобадан чиққан машҳурлар”, “Машҳурлар кулгиси”, “Уммон остидаги дур”, “Телефон қилган балиқ”, “Тожмаҳалдаги муҳаббат” сингари бир қанча тўпламлари чоп этилган. Машҳур инглиз ёзувчиси Агата Кристининг ҳикояларини таржима қилиб, “Ўғирланган миллион доллар”, “Изқувар Пуаро” номи билан чоп этилган. Шунингдек, машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг “Ҳисларимни қўзғама” ҳикоялар тўплами, “Қўрқманг, онажон” романини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 155
Буюртма — Г-1044
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21[00]
Топширилди — 23[10]

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг** бўлими: (71) 244-32-70

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.